Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 166 (8906). ● 1986 йил 28 август, пайшанба ● Баҳоси 3 тийин.

ОРДЕНЛАР МУБОРАК!

СССР Олий Совети Президиуми ўн биринчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун СССР электротехника саноати бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларининг меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатган катта группа ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

Тошкент области ва шаҳри бўйича:

СССР 60 йиллиги номли Чирчиқ Трансформатор заводи бригадири К. Д. Павлов, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент электротехника заводи ишчиси Л. А. Валетова, СССР 60 йиллиги номли «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент кабель заводи электрчилари бригадири П. Холматов Октябрь революцияси ордени билан;

СССР 60 йиллиги номли Чирчиқ Трансформатор заводи чархловчиси Б. Аджигапаров, СССР 60 йиллиги номли Чирчиқ Трансформатор заводи токари Г. А. Мурзин, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент «Реле ва автоматика» заводи бригадири В. М. Журавко, СССР 60 йиллиги номли «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент кабель заводи ишчиси Х. И. Мирзаахмедов, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг энергетика учун ҳимоя қилиш паст вольтли қурилмалар ва автоматика системаси комплекти махсус лойиҳа-конструкторлик ва технологик бюроси бош инженери Т. Б. Тангрибергенов Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан;

СССР 60 йиллиги номли Чирчиқ Трансформатор заводи директори Р. К. Саримсоқов, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент «Реле ва автоматика» заводи слесарлар бригадири У. А. Алимов, СССР 60 йиллиги номли «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент кабель заводи ишчиси И. К. Михайлов, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент электротехника заводи бригадири Н. И. Петров, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия комитети секретари А. М. Стражков Халқлар Дўстлиги ордени билан;

СССР 60 йиллиги номли Чирчиқ Трансформатор заводининг собиқ партия ташкилоти секретари, ҳозир Ўзбекистон Компартияси Чирчиқ шаҳар комитетининг иккинчи секретари Д. Т. Азизхўжаев, СССР 60 йиллиги номли Чирчиқ Трансформатор заводи металл қирқувчиси Д. Аҳмедова, СССР 60 йиллиги номли Чирчиқ Трансформатор заводи пресловчиси Л. Б. Воронцова, СССР 60 йиллиги номли Чирчиқ Трансформатор заводи бўёқчиси М. И. Черних, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош инженери Н. А. Горшенин, СССР 60 йиллиги номли «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент кабель заводи ишчиси Г. В. Кереева, СССР 60 йиллиги номли «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент кабель заводи ишчиси В. М. Панферов, СССР 60 йиллиги номли «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кабель илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ва технологик институтининг сектор мудири Г. И. Разумов, СССР 60 йиллиги номли «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кабель илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ва технологик институтининг тажриба заводи бригадири Д. А. Рустамов, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент «Реле ва автоматика» заводи токари В. Х. Шарипов, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг энергетика учун химоя қилиш паст вольтли қурилмалар ва автоматика системаси комплекти махсус лойиҳа-конструкторлик ва технологик бюроси группа раҳбари А. И. Шелобанов «Хурмат Белгиси» ордени билан;

шунингдек, 3 киши II даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан, 11 киши III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан, 17 киши «Шавкатли меҳнати учун» медали билан, 25 киши «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан тақдирландилар.

ПОЙТАХТИМИЗ ҚУРИЛИШЛАРИДА

104 МИНГ СЎМЛИКДАН ЗИЁД

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигигача беш йилликнинг икки йиллик планини бажариш мажбуриятини олган «Главташкентстрой»нинг 159-қурилиш трестидаги Н. Хакимзянов бошчилик қилаётган қурувчилар бригадаси салмоқли ютуқларни қўлга киритишаяпти. Улар КПСС Марказий Комитетининг мамлакат барча меҳнатчиларига Мурожаатномасига амалий иш билан жавоб бериш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар.

Мурожаатнома асосида ўз зиммасига оширилган социалистик мажбуриятлар олиб ишлаётган меҳнат коллективлари сафи бу ерда тобора кенгайиб боряпти. Трестнинг 10 га яқин бригадаси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигигача ўн иккинчи беш йилликнинг икки йиллик планини бажариш учун курашмоқда. Трест коллективи эса Мурожаатномага жавобан қўшимча суратда 104 минг сўмликдан зиёдроқ қурилиш-монтаж ишларини бажариш мажбуриятини олди.

БИЛЕТНИ АВТОМАТЛАР СОТАДИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг 8-трестининг 2-қурилиш-монтаж бошқармасида шу йилнинг март ойида комсомол ёшлар бригадаси тузилган эди. 18 нафар комсомол-ёшлардан ташкил топган бу бригадага дастлабки иш бошлаган кунларданоқ жуда муҳим объектлар қурилиши ишониб топширилди. Улар ҳозир иш олиб бораётган уч қаватли ҳашаматли бинодан Алоқа министрлигининг Марказий агентлиги ўрин олади. Республикамизда биринчи бор қурилаётган бу объектда автоматик сереналар ўрнатилиб аэропорт хизматидан фойдаланувчи гражданларга билет сотиш автоматик тарзда амалга оширилади. Бунда турли рейс билан учаётган самолётлардаги бўш ўринлар телефон орқали сўраб суриштириб ўтирилмай, экран орқали кўрсатиб турилади.

Агентликнинг умумий қурилиш ишлари 1987 йилнинг 1-кварталида тугатилиб, фойдаланишга топширилиши керак.

— Ҳозирча ойлик планларни 112—120 процентга бажараяпмиз, лекин бу кўрсаткич бригада аъзоларимизни қониқтирмаяпти, — дейди бригада бошлиғи 5-разрядли ғишт терувчи Аллаёр Александров. — Керак бўлган қурилиш материаллари ўз вақтида етказиб берилмаяпти. Шу юзасидан билдирилган эътирозларимизни раҳбар ходимлар инобатга олишмаяпти. Объект муддатида фойдаланишга топширилиши аниқ. Лекин шароит етарли бўлганида объектни муддатидан илгари ҳам топшириш мумкин бўларди.

А. ҲУСЕИНОВ.

20—25 ПРОЦЕНТДАН ОШИРИБ

2-УИСОЗЛИК комбинатининг Владимир Душехватов етакчилигидаги бригада коллективи корхона бригадаларияро социалистик мусобақасида доим ғолиблар сафида боради. Бригаданинг 24 аъзоси 3—4 тадан турдош касбларни эгаллаган. Бу эса коллектив муваффақиятига катта самара келтиряпти. Ҳозир бу илғор қурувчилар Жуковский кўчасида 90 квартирали турар-жой биносини бунёд этмоқдалар. Бу ерда шу кунларда девор панеллари монтаж қилинмоқда.

Бригада коллективи кунлик топшириқни 20—25 процентдан ошириб бажармоқда. Бунда пайвандчи Собит Сафаров, монтажчи Виталий Морозов, бетончи Владимир Капнов сингари илғор ишчилар муносиб ҳисса қўшишмоқда.

М. ФЕЛЬДМАН.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

26 август куни Тошкентда Тошкент области агросаноат комплекси меҳнатчилари ҳамда партия, совет ва касаба союз органларининг ходимларидан катта бир группасига СССР орден ва медаллари тантанали вазиятда топширилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш соҳасидаги ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришилган муваффақиятлар учун Бўка районидаги Фрунзе номли колхоз бригадири К. Аширов, Бўстонлиқ районидаги «Ленинград» колхозининг тракторчиси У. Иброҳимов, Тошкент районидаги Ленин номли колхоз бригадири Р. Қаюмов, Бекобод районидаги Ленин номли колхоз бригадири Х. Раззоқов, Ғалаба районидаги «Ленинград» колхозининг механизатори С. Худойберганов, Чиноз районидаги Энгельс номли колхоз раиси Е. Шамшиев, Коммунистик районидаги «Правда» колхозининг аъзоси Т. Эргашевалар Ленин ордени билан мукофотландилар.

Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозининг аъзоси Г. Абдукаримова, Янгийўл районидаги Ниёзов номли колхоз механизатори Д. Абдураззоқов, Паркент районидаги «Коммуна» колхозининг чўпони А. Алматов, Оққўрғон районидаги «Ленинград» колхозининг аъзоси Н. Мансурова, Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз механизатори Б. Нуриев, Калинин районидаги Калинин номли колхоз сут соғувчиси Ш. Пиримова, Оржоникидзе районидаги Ильич номли ишлаб чиқариш бирлашмасининг паррандабоқари С. Сайдалиева, Бўка районидаги Мичурин номли колхоз механизатори М. К. Туронов, Тошкент районидаги К. Маркс номли колхоз бригадири Ф. Мирвазамов, Бекобод районидаги «Победа» колхозининг бригадири Б. Турдибоев, Бўстонлиқ районидаги «Қизилту» колхозининг сабзавотчилик бригадаси бошлиғи О. Шартовларнинг меҳнати Октябрь Революцияси ордени билан тақдирланди.

Ватаннинг юксак мукофотларини Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский топширди. (ЎзТАГ).



● ФОТОРЕПОРТАЖ ●

Ўқишга — Иваново областига

Тошкент ва Иваново областлари ҳунар-техника билим юртлари орасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳақида тузилган битимга кўра шу йилдан бошлаб Ивановодаги 1-, 4-, 15-, 25-, 26-, 27-ўрта ҳунар-техника билим юртларида областимиз ёшлари ҳам ўқиб ҳунар ўргана бошлайдилар. Барча маиший-маданий шароитлар яратилган ва мукаммал моддий ўқув базасига эга бўлган мазкур билим юртларида ўқувчилар ғишт терувчи, сувақчи, дурадгор, монтажчи, осма кран машинисти, бульдозерчи, экскаваторчи, механизатор, чорвачилик фермаларидаги қурилмалар ремонти бўйича слесарь, химия лаборанти, рақамли программалаштириш машиналари оператори каби ихтисосликлар бўйича мутахассисликларни эгаллашади.

Ивановода ўқиш истагини билдирган бир группа ёшлар куни кеча қардош область билим юртларига жўнаб кетдилар. Суратларда: Коммунистик райони ёшларининг вакиласи Гулнора Серикбоева ҳамда областимизнинг турли районларидаги мактабларнинг бир группа битирувчилари. Ушбу суратлар ана шу ёшлар Ивановога жўнаб кетишлари арафасида олинган.

А. Зуфаров фотолари.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР ●

ПРАГАДА АТОМЧИЛАР МАЖЛИСИ

ПРАГА, 26 август. (ТАСС). Бу ерда социалистик мамлакатлар атом энергияси комитетлари раисларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Бу учрашувда БХР, ВХР, ГДР, МХР, ПХР, КХДР, Куба, ВСР, Белоруссия ССР, Украина ССР, СССР ва ЧССР, шунингдек Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши секретариатининг вакиллари иштирок этдилар. Атом электр станцияларидаги ишларнинг хавфсизлиги масалаларига бағишланган МАГАТЭ бош конференцияси махсус сессиясининг ўтказилиши билан алоқадор проблемалар муҳокама қилинди. Ядро энергетикасидан хавф-хатарсиз фойдаланишнинг халқаро режимини мустаҳкамлаш хусусидаги СССР таклифини амалга оширишда МАГАТЭга аъзо бўлган давлатларнинг ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилди. Социалистик мамлакатлар МАГАТЭдаги фаолиятининг долзарб масалалари ҳам муҳокама қилинди.

НАЖИБ КОБУЛНИ АЙЛАНИБ ЧИҚДИ

КОБУЛ, 26 август. (ТАСС). Афғонистон халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Нажиб Кобулдаги бир қанча кооператив магазинлар ва хусусий дўконларнинг иши билан, энг зарур молларнинг ҳозирги нарх-навоси билан танишди, давлат, кооператив савдоси ва хусусий савдо олдида турган проблемаларга таалуқли таклифлар ва мулоҳазаларни тинглади.

Бахтар агентлигининг хабар беришича, Нажиб АДР савдо министрлигида бўлди. Министрлик ходимлари АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг савдо ташкилотлари ишини қайта қуриш ва яхшилашга таалуқли қарорларини амалга ошириш борасида белгиланган чоралар тўғрисида гапириб бердилар.

ИЛМИЙ КЕНГАШ

● ПРАГА. Чехословакия пойтахтида Болгария, Венгрия, ГДР, Монголия, Польша, Руминия, СССР, ЧССР ва Югославия физик олимларининг илмий кенгаши очилди. Кенгашда Дубнадаги ядровий тадқиқотлар бирлашган институтида зарралар тезлаткичи соҳасидаги биргаликдаги тадқиқотларга якун ясалди ва материяни ўрганишга онд келгусидаги ишлар программаси белгиланди.

СЪЕЗД ОЧИЛДИ

● САНА. Таиз шаҳрида ўз сафларида 23 минг аъзони бирлаштирган умуммиллий сиёсий ташкилот — Яман Араб Республикаси умумий халқ конгрессининг учинчи съезди очилди. Съезд қатнашчилари мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг турли жиҳатларини муҳокама қиладилар, келгусига мўлжалланган истиқболни белгилайдилар. Анжуман очилишида умумий халқ конгрессининг бош секретари, республика президенти Али Абдалла Солиҳ нутқ сўзлади.

АМЕРИКА-СОВЕТ ЁШЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

● НЬЮ-ЙОРК. Америкининг Стоу шаҳрида (Вермонт штати) Америка—Совет ёшларининг иккинчи конференцияси очилди. Конференциядан мақсад — тинчликни мустаҳкамлаш, СССР ва АҚШ халқлари ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка кўмаклашишдан иборат. Айни шунинг учун ҳам конференция қатнашчиларининг диққат марказига қуролланиш пойгасини жиловлаш, ядро уруши хавфини бартараф этиш ва халқаро вазиятни умуман соғломлаштириш учун нималар қилиш зарурлиги тўғрисидаги масалалар қўйилди.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

● ВАШИНГТОН. Вашингтонда Ливияга қарши агрессив ҳаракатларнинг янги батафсил плани ишлаб чиқилди. «Уолл-стрит журнэл» газетасининг хабарларига кўра, бу план Ливиянинг қонуний ҳукуматини ағдариб ташлашга ва унинг ўрнига америкапараст қўғирчоқ режим ўрнатишга қаратилган.

● ВЕНА. Бу ерда халқаро атом энергияси агентлигининг қароргоҳида ядро энергетикасини хавфсиз ривожлантириш масалалари билан шуғулланувчи агентлик аъзолари бўлган мамлакатлар экспертлари кенгашининг биринчи иш куни тугади. Академик В. А. Легасовнинг доклади зўр эътибор билан тингланди. Докладда Чернобиль АЭСидаги авария сабаблари тўғрисида батафсил ва ошкора гапирилди. Дастлабки мажлисларнинг ўзиёқ 50 дан ортиқ давлат ҳамда 20 та миллий ва халқаро ташкилотнинг 500 га яқин вакили атом электр станциялари ишининг пухталиги ва хавфсизлигини тезроқ таъминлаш юзасидан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришдан ғоят манфаатдор эканликларини кўрсатди.

(ТАСС).

ОБЛАСТИМИЗДА УРУШГА ҚАРШИ НАМОЙИШ ВА МИТИНГЛАР

ОБЛАСТИМИЗДА БЎЛИБ ЎТАЕТГАН УРУШГА ҚАРШИ ОММАВИЙ НАМОЙИШ ВА МИТИНГЛАРНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ЕР ЮЗИДАГИ МИЛЛИОНЛАБ ЯХШИ НИЯТЛИ КИШИЛАР ҚАТОРИ СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ М. С. ГОРБАЧЕВ БАЁНОТИДА ОЛҒА СУРИЛГАН ТИНЧЛИК ТАШАББУСИНИ ҚИЗҒИН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚ ДАЛАР.

Бекобод

МЕТАЛЛУРГЛАР ва цементчилар, энергетиклар ва қурувчилар сменадан сўнг саф-саф бўлиб шаҳарнинг марказий В. И. Ленин номли майдони томон оқиб кела бошладилар. Бу ерда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг совет телевидениеси орқали берган Баёнотида олға сурилган янги тинчлик ташаббусини қўллаб-қувватлашга бағишланган митинг бўлди.

Митингни шаҳар партия комитетининг секретари Т. Я. Воронина кириш сўзи билан очди. Микрофон олдига шаҳар уруш ветеранлари Совети раиси И. Г. Белошинский келади.

— Мен уруш даҳшатларини ўз бошимдан кечирганман, — деди у. — Ўша кунларнинг яна такрорланишини ҳеч ким истамайди. Партия ва ҳукуматимиз жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш юзасидан ҳар йили янги-янги ташаббуслар билан чиқмоқда. Биз бу ташаббусларни қизғин қўллаб-қувватлаймиз.

Сўзга чиққан цемент комбинати айланма печ машинисти, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Т. Тошмуҳамедов, шаҳар болалар касалхонаси врачи, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси А. В. Тек, Афғонистонда ўз интернационал бурчини адо этган жангчи Қ. Қосимов ва бошқалар ҳам ҳукуматимизнинг ядро портлатишларини йил охиригача ўтказмаслик юзасидан қабул қилган қарорини қўллаб-қувватлаб гапирдилар. Бу ташаббусга ядро қуролига эга бўлган барча ҳукуматлар қўшилиши керак.

Ангрен

Шаҳар меҳнаткашлари В. И. Ленин номли марказий майдонга тинчликни улуғловчи, урушни лаънатловчи шиорлар кўтариб кириб келдилар. Кончилар беш йилликнинг биринчи йилида юксак марраларни кўзлаган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Белгиланган режаларнинг рўёбга чиқиши учун фақат тинчлик керак. Бўлиб ўтган митингда шу фикр баралла янгради.

Митингни шаҳар партия комитетининг секретари В. А. Акбарова очди.

— Бугунги кунда инсониятни термоядро ҳалокатидан халос этишдан бошқа муҳимроқ вазифа йўқ, — деди сўзга чиққан 9-шахта партия комитетининг секретари К. Матаев. — Бу соҳада Совет Иттифоқи янги муҳим ташаббус бошлади. Ўртоқ М. С. Горбачев совет телевидениеси орқали берган Баёнотида ядро портлатишларини тўхтатиш тўғрисидаги мараторий 1986 йил 1 январгача узайтирилганлигини маълум қилди. Бу ташаббусни барча тинчликсевар кучлар қатори ангренликлар ҳам қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Совет Иттифоқи бошлаган ижобий ташаббуслар жаҳон бўйлаб кенг қанот ёйиши керак.

Сўзга чиққан «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси А. Риндлинг, уруш ва меҳнат ветерани А. Кореткин, область давлат педагогика институти студенти Г. Севастянова ва бошқа ўртоқлар йиғилганларни тинчликни мустаҳкамлаш, Ватанимиз куч-қудрати ва мудофаа қувватини ошириш йўлида яна ҳам унумли меҳнат қилишга даъват этдилар.

Қабул қилинган резолюцияда Совет тинчлик ташаббуси қизғин қўллаб-қувватланди.

Янгийўл

Шаҳар меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев Баёнотида олға сурилган тинчлик ташаббусини қўллаб-қувватлашга бағишланган кўп кишилик митинги бўлиб ўтди. Митингни шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари В. М. Гнедаш очди.

Кенг жамоатчилик партия ва ҳукуматимизнинг жаҳонда тинчлик ўрнатиш, халқаро кескинликни юмшаиш, даҳшатли қирғин қуролларини ишлаб чиқармаслик, ядро портлатишларининг бир томонлама мараторийсини 1987 йил 1 январгача узайтириш ҳақидаги қарорини чин дилдан, самимий қутламоқда.

Халқаро аҳволни соғломлаштириш, беҳуда қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро қуролларини тугатиш ҳақидаги таклифлар бугун жаҳондаги ҳар бир соф виждонли кишиларнинг айни муддаосидир, — деди митингда сўзга чиққан пойабзал фабрикасининг ишчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати О. Икматова. — Набирам расм чизишга ишқибоз. Суратларини томоша қилар эканман, уларда тинчлик руҳини сезаман. Ҳа, бутун жаҳон тинчлик демоқда.

— Мен интернационалчи сифатида Афғонистонда ўз бурчимни бажардим, — деди металл пластмасса заводининг ишчиси В. Селезнев. — Ҳозирги замон уруши даҳшатларини, фожиаларини ўз кўзим билан кўрдим. Уруш инсон бошига фақат кулфат келтиради. Мен корхонамиз коллективи номидан урушни ва уруш оловини ёқувчиларни лаънатлайман. Самарали меҳнатим билан тинчлик ишига муносиб ҳисса қўшишга ваъда бераман.

Митингда сўзга чиққан Улуғ Ватан уруши ветерани А. Михайлов, биохимия заводининг ишчиси Г. Постов ва бошқа кишилар Совет ҳукуматининг ташқи сиёсатини тўла қўллаб-қувватлаётганликларини яна бир бор билдирдилар.

СИЭТЛ ШАҲРИ АҲОЛИСИГА (ВАШИНГТОН ШТАТИ, АҚШ)
ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИДАН (ЎЗБЕКИСТОН ССР, СССР)

МУРОЖААТ

Ҳурматли Сиэтл шаҳри аҳолиси!

Бутун инсоният тўхтовсиз қуролланиш пойгаси шароитида яшаб турган мураккаб ва таҳликали кунларда, Ер юзидаги ҳаёт термоядро фалокати ёқасига жуда яқинлашиб қолган бир пайтда биз, Тошкент шаҳрининг аҳолиси биродарлашган Сиэтл шаҳри аҳолисига мурожаат этиб: «Планетада мустаҳкам тинчлик учун курашда куч-ғайратларни бирлаштирайлик!» —деб даъват қиламиз. Тошкент шаҳри билан Сиэтл шаҳрининг оддий кишилари тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга ҳисса қўшишлари мумкин ва лозим.

Айни шу бугун биргаликда ҳаракат қилиш керак, эртага кечикиб қолиш мумкин! Негаки, телбанамо қуролланиш пойгаси, қурол-яроғ запасларининг жамғарилиши ва такомиллаштирилиши энг даҳшатли қурол—ядро қуролининг назорат остидан чиқиб кетишига олиб бориши мумкин.

Биз Сизларга, биродарларимизга, планетамизни келажак авлодлар учун сақлаб қолиш муддаосидаги маслакдошларимизга мурожаат этамиз: келинглар, тинчлик учун курашдаги куч-ғайратларимизни икки ҳисса, уч ҳисса оширайлик. Халқларда яна бир имконият вужудга келган — Совет Иттифоқи ядро синовларини тўхтатиб туриш муддатини узайтирган ҳозирги пайтда бундай қилиш айниқса муҳимдир.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқида баён этилган мамлакатимиз ҳолис ниятя ва тинчликсеварлигининг бу янги ифодаси халқларнинг дилида қизғин акс садо берди, кўпгина мамлакатларнинг халқлари уни қўллаб-қувватладилар.

АҚШда урушга қарши ҳаракат кенгайиб, мустаҳкамланиб бораётганини биламиз. Ҳозир Американинг юзлаб расмий давлат, жамоат, умуммиллий ташкилотлари бу ҳаракатда қатнашмоқдалар. Бу эса бизнинг пировард натижада тинчлик тантанасига ва ақлидрок ғалабасига ишончимизни кучайтиради.

Бироқ ҳар қандай ғалаба фақат шиддатли курашдагина қўлга киритилади. Тинчлик учун кураш барча холис ниятли кишиларнинг бош мақсади ва вазифаси бўлиб қолиши керак. Сизларнинг мамлакатингизда бундай кишилар кўплигини, уларнинг сафлари кун сайин кенгайиб бораётганини биламиз.

Биз Сизларга, биродарлашган Сиэтл шаҳрининг аҳолисига ва Сизлар орқали бутун Америка халқига мурожаат этиб, қуролланиш пойгасига қарши, атом қуроли синовларини тақиқлаш учун, тинч космик фазо учун, инсониятни ядровий фалокатдан сақлаб қолиш учун қатъият билан курашишга қаттиқ даъват қиламиз.

Ядровий фалокатга йўл қўймаслик, бутун инсониятнинг ва Ер юзидаги ҳаётнинг ҳалокати олдини олиш — муштарак вазифамиздир. Тинчлик учун кураш — ҳамманинг ва ҳар бир кишининг ишидир, келажак авлодлар олдидаги бизнинг бурчимиздир. Планетамизни сақлаб қолиш, уни хавф-хатарсиз қилиш — халқларимизнинг куч-ғайратларини бирлаштиришга арзигулик вазифадир.

Биз келгуси авлодларнинг тинч истиқболи ҳақидаги ўз умидларимизни умумбашарий проблемаларни ҳал этишда халқларнинг ҳамжиҳатлиги ва бирдамлиги билан боғлаяпмиз, тинчликни сақлаб қолиш — шу проблемаларнинг энг муҳимидир.

Тинчлик йўлида қўлни қўлга бериб ҳаракат қилайлик!

Мурожаатномани 24 августда Тошкент шаҳрида урушга қарши оммавий намойиш ва митинг қатнашчилари қабул қилганлар.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДАН ХАТЛАР

КАФОЛАТ БЕРГАНИНГИЗНИ УНУТМАНГ

Ферма коммунистларининг очиқ партия йиғилишида ёш сут соғувчи Муҳаррам Сидиқова партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Муҳаррамни партия сафларига тайёрлашда ва уни чиниқтиришда тажрибали сут соғувчи коммунист Тожиниса опа Усмонова катта ҳисса қўшди. Кафолатларнинг бирини унинг ўзи берди.

Муҳаррам ўрта мактабни тамомлаб фермага ишга келган эди. Ўша кезларда бу ерда 17 нафар соғувчи меҳнат қиларди. Дугоналар мусобақасига у ҳам тезда қўшилди. Боқимидаги 20 бош сигирнинг ҳар биридан дастлабки йил 2,5 минг килограммдан сут соғиб олди. Иқтисодий ўқув тингловчиси сифатида ишлаб чиқаришга ёрдам берувчи бир қатор таклифлар билан чиқди. Фермада агитаторлик қила бошлади.

Устози Тожиниса опа Муҳаррамдаги яхши фазилатларни тарбиялаб борди. Ўз маҳоратини оширишга кўмаклашди. Ҳозир Муҳаррам кандидатлик синовидан муваффақиятли ўтяпти. Ўтган ойларда ҳар бош сигирдан 1100 килограммдан ошириб сут соғиб олди. Уч марта социалистик мусобақа ғолиби деб топилди. Цех партия ташкилоти берган топшириқларни жон-дили билан бажараяпти.

Совхоз партия ташкилоти ҳисобида ҳозир 128 коммунист бор. Уларнинг 13 нафари партия аъзолигига кандидатлар ва партиявий стажи 3 йилгача бўлган ёш коммунистлардир. Совхоз партия комитети КПСС сафларига қабул ва ёш коммунистлар билан ишлашни яхшилаш юзасидан бир қатор муҳим тадбирларни кўраяпти. Ҳар бир партия аъзолигига кандидат ва ёш коммунист ветеран-коммунистларга бириктириб қўйилган. Мураббийлар ўз шогирдларига партияга киришлари учун кафолат берганликларини бир дақиқа ҳам унутишмайди. Меҳнатда ва ижтимоий ҳаётда улар активлигини ошириш юзасидан бошланғич партия ташкилотига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Бу соҳада айниқса, бригада бошлиғи Мирдовуд Ғуломов, партком аъзоси Муҳаббат Ғаффорова, меҳнат ветерани Қозоқбой Усмонов ва бошқалар барчага намуна бўлаяптилар.

Мураббийлар кўмагида ёшлар ўсиб-улғаймоқдалар. Устозлар партия йиғилишларида ўз шогирдлари фаолиятини қизғин муҳокама қилмоқдалар. Биринчи бўлим цех партия ташкилоти йиғилишида ёш коммунист Баҳодир Ғаниевнинг ҳисоботи тингланди. Баҳодир совхознинг оддий ишчиси. Дала ишларида актив қатнашиб белгиланган нормани 1,5 баравардан ошириб адо этаяпти. КПСС XXVII съезди материалларини, КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми ҳужжатларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқда. Дала шийпонида бўлаётган суҳбатларда актив қатнашиб ишчиларни янгиликлардан бохабар этмоқда.

Бевосита совхоз ишлаб чиқаришида меҳнат қилаётган коммунистлар оз эмас. Йиғилишларда улар ўзлари бажараётган ишлар тўғрисида ҳисоб бериб турибдилар. Бундай ҳисоботлар айниқса, ёш коммунистлар активлигини оширишга ёрдам бераяпти.

«Гулбоғ» совхози ишчилари бу йил зиммага юксак мажбуриятлар олган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Улар давлатга пилла топшириш планини районда биринчи бўлиб бажаришди. Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашда ўтган йилдаги суръатдан ўзиб кетилди. Мева ва сабзавот топириш кун сайин кўпайиб бораяпти.

М. ТУРСУНОВ,
Паркент райони.

КОМСОМОЛДА ЧИНИҚҚАЧ

Шаҳар партия комитетида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция КПСС XXVII съезди қарорлари асосида бошланғич партия ташкилотларида партия сафларига қабул ва ёш коммунистлар билан ишлашни яхшилаш мавзуига бағишланди. Бу ҳақда шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари Ю. Н. Беланов доклад қилди.

Докладчи партия сафларини ўстириш ва коммунистларнинг сифат составини яхшилаш юзасидан бошланғич партия ташкилотларида олиб борилаётган ишларни атрофлича таҳлил қилиб берди. Партияга асосан комсомолда камол топган ва чиниққан йигит-қизлар қабул қилинмоқда. Конметаллургия комбинатида фақат ўтган йилнинг ўзида 66 комсомол партия сафларига қабул қилинди.

Комбинатда меҳнат қилаётган коммунистларнинг салкам 200 нафари бевосита комсомол ишларини яхшилаш, ёшларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини ошириш билан шуғулланмоқда. Бу муҳим партиявий топшириқни улар кўнгилдагидек адо этмоқдалар. Комбинат партия комитети комсомолга партия раҳбарлигининг аҳволини мунтазам таҳлил қилиб бораяпти. Яқинда бўлган йиғилишда комбинат партия комитети секретарининг ўринбосари А. Ф. Даниденко бу ҳақда ахборот берди.

Илмий-амалий конференцияда «Алмаликсвинецстрой» трестида ҳам ёш коммунистлар билан ишлашда бой тажриба тўпланганлиги таъкидлаб ўтилди.

Конференцияда айрим корхоналарнинг партия ташкилотлари ишидаги камчиликлар ҳам тилга олиб ўтилди.

О. ХУШНАЗАРОВ,
Олмалиқ шаҳри.

МАКТАБ ВА ЖАМОАТЧИЛИК

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ бу йилги август кенгашлари алоҳида хусусиятга эга. Чунки ҳамма жойда таълим-тарбия ишини КПСС XXVII съезди ҳамда мактаб ислоҳоти талаблари асосида қайта қуришга катта аҳамият берилаётир. Шунинг учун ҳам кенгашларда умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишларини амалга ошириш юзасидан белгиланган комплекс планларнинг бажарилиши, давр талаби асосида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ғазалкент шаҳри маданият уйига халқ маорифи ходимлари билан бир қаторда район хўжаликлари, ташкилотлар ва ишлаб чиқариш моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар. Янги ўқув йили арафасида Чорвоқ посёлкасида 1176 ўринли, Хумсон қишлоғида 320 ўринли мактаблар, Ҳондойлиқ қишлоғида 160 ўқувчига мўлжалланган 5 та синф хонаси қурилди. Сижжак, Ҳондойлиқ, Боладала қишлоқларида, «Қизил ту» колхозида мактаблар қуриш мўлжалланмоқда. Уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. 1985 йилда ва 1986 йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида маориф эҳтиёжлари учун 12,5 миллион сўм сарфланди. 594 минг сўмлик кўргазмали ўқув қуроллари ва техника воситалари сотиб олинди.

Районда ислоҳот талабларига кўра ўқитувчилар малакасини ошириш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Мавжуд 47 та умумий таълим мактабларида 2136 педагог 27 мингдан ошиқ ўқувчига билим бермоқда. Ўқитувчиларнинг 87,5 процента олий маълумотли бўлиб, бу йил уларнинг сафига яна 32 нафар ёш педагог келиб қўшилди.

Педагоглар умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишларида қўйилган вазифаларни бажара бориб ёшларга фан асосларидан тушунча бериш, уларда материалистик дунёқарашни шакллантириш, меҳнат кўникмасини ҳосил қилишга катта эътибор бермоқдалар.

1-мактабдан Р. Тостанова, 2-мактабдан Л. Швец, 3-мактабдан Л. Горбуличева, 12-мактабдан А. Асилтоев, 19-мактабдан Н. Икромов, 21-мактабдан Т. Орифбоев, 41-мактабдан Х. Ҳалилов каби ўқитувчилар ўз ишларида таълим ва тарбия ишларини уйғунлаштириб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Районда 6 ёшли болаларни ўқишга қабул қилиш борасида ҳам анча ишлар амалга оширилди. Мактабларда 12 та, болалар боғчаларида 6 та тайёрлов синфлари очилиб, уларга 540 нафар 6 ёшли ўқувчи қабул қилинди.

Шу билан бирга кенгашда таълим-тарбия жараёнининг сифати ҳамон давр талаблари даражасида эмаслиги таъкидлаб ўтилди. Ҳатто, ишдаги кўрсаткичлари яхши бўлиб туюлган баъзи мактабларда ҳам, текширилганда дарслар паст савияда ўтказилаётгани аниқланмоқда. Ўқитувчиларнинг машғулотларга тайёрланмай келиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Хусусан, 4-мактабдан Г. Тешабоева, 8-мактабдан А. Жонибеков, 14-мактабдан Р. Жанабоева, 19-мактабдан А. Болтабоева, 35-мактабдан Г. Раҳимқулова каби ўқитувчилар дарсларга тайёрланмай келишади.

Мактабни ислоҳ қилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш кўп жиҳатдан педагогик кадрларга, уларнинг билим савияси, ташаббускорлиги, жонкуярлигига боғлиқдир. Бироқ, баъзи ўқитувчилар буни англаб етишмаяпти. Оғизда уларнинг бари ислоҳот тарафдори-ю, лекин амалда эски услубда ишламоқдалар. Янги ўқув йилида таълим-тарбия жараёнлари янги программалар асосида, аммо аввалги дарсликлар бўйича олиб борилади. Бу эса педагоглар ишини анча қийинлаштириб, улардан кўпроқ ўз устларида ишлашни талаб қилади.

Бу борада мактабларда аттестациялар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Аммо бу ишга ҳам жойларда совуққонлик билан қаралмоқда. Хусусан 36-мактабда (директори Э. Эркамов), 25-мактабда (директори Т. Екешова) педагогик коллектив аттестация ўтказиш ишига расмиятчилик билан муносабатда бўлди, ўқитувчиларга тўғри характеристикалар берилмади, камчиликлар беркитилди.

Нотиқлар таълим-тарбия ишларида ижобий бурилиш ясаш, машғулотлар сифатини кескин ошириш, ёшларни ғоявий баркамол шахслар қилиб тарбиялаш давр талаби эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Кенгашда Тошкент область партия комитетининг бўлим мудири С. Р. Тўлаев иштирок этиб, нутқ сўзлади.

У. АБДУШОҲИДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ПЛЕНУМИ

26 август куни Ўзбекистон ССР Олий судининг навбатдаги пленуми бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий суди раиси С. Йигиталиев доклади юзасидан, республика судларининг ҳукмни ижро этиш муддатларини кечиктиришни қўлланиш ҳақидаги қонунларни қандай бажараётганликлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Қабул қилинган қарорда пленум социалистик мулкни талон-торож қилувчиларга, порахўрлар, чайқовчилар ҳамда меҳнатсиз даромад ҳисобига яшаётган бошқа жиноятчиларга қарши қатъий кураш олиб бориш зарурлигини таъкидлади.

Судлар бундай шахсларга нисбатан жумладан, мол-мулкини мусодара қилишгача қаттиқ жазо чораларини қўллашлари, шунингдек, ғайриқонуний йўллар билан бойлик орттириш натижасида тўпланган маблағларни давлат фойдасига ундиришлари керак.

Айни пайтда пленум биринчи марта уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган шахсларга жазо тайинлаш чоғида суд қилинган жиноятнинг характери ва жамият учун хавфлилиги даражасини, айбдорнинг шахсини ва ишнинг бошқа жиҳатларини, шунингдек, айбдорнинг жамиятдан ажратилмаган ҳолда ахлоқини тузатиш ва қайта тарбиялаш имкониятларини ҳисобга олиб, бундай шахсларга нисбатан ҳукмни ижро этиш муддатини кечиктириш масаласини муҳокама қилишга мажбур эканлигини таъкидлаб ўтди.

Пленум ҳукмни ижро этиш муддатини кечиктириш масаласини ҳал қилиш чоғида судлар зиммасига кўп ҳолларда меҳнат коллективи ҳукм этилганларнинг ахлоқини тузатишга ижобий таъсир қилишини ҳисобга олиб, меҳнат коллективлари ёки ўқув юртларининг айбдорларни қайта тарбиялаш учун коллективга топшириш ҳақидаги мавжуд илтимосномаларини кўриб чиқиш вазифасини юклади.

Ҳукмни ижро этиш муддатини узайтиришни бекор қилиш ва ахлоқи тузалмаган айбдорларни ҳукмда белгиланган жазони ўташ учун юборишга ҳақидаги тақдимномани кўриб чиқиш юзасидан суд ишларининг тарбиявий таъсирини ошириш мақсадида пленум бундай тақдимномани ҳукм қилинган шахс иш (ўқиш) жойида ёки яшаш жойида жамоатчилик вакилларининг кенг иштирокида ҳал этишни тавсия қилди.

Ўзбекистон ССР Олий суди пленуми ер участкаларини қайтариб олиш билан боғлиқ бўлган уйларни бузишни тартибга солувчи қонунларни судлар қандай қўлланаётганлигини муҳокама қилди.

Пленум қарорида таъкидланадики, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлмаган ҳамда область ижроия комитетларининг ёки Тошкент шаҳар ижроия комитетининг уйни бузиш ҳақидаги қарорига эга бўлмаган ташкилотлар гражданларни ана шу уйлардан кўчириш ҳақидаги асоссиз талаблар билан судга мурожаат қилмоқдалар. Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган гражданларни ҳисобга олиш ва Ўзбекистон ССРда уй-жойларни тақсимлаш қоидаларида белгиланган нормаларни ҳисобга олмай, уй-жой бериш ҳоллари ҳам содир бўлмоқда. Ўзбекистон ССР уй-жой кодексининг бузиладиган уйлардан, бошқа бинолардан кўчириладиган гражданларга уларнинг иш жойларини, ёшларини, саломатлиги аҳволини ҳамда эътиборга лойиқ бўлган бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда уй-жой бериш тўғрисидаги 47- ва 109-моддалари бузилмоқда.

Пленум судлар зиммасига уй-жойларни бузиш ҳамда кўчириладиган гражданларга бошқа уй-жой бинолари бериш тўғрисидаги қарорларни чиқариш тартиби ва шартларини бузиш ҳоллари аниқланган тақдирда қонунни тўғри қўлланиш, хусусий ажрим чиқариб, уларни тегишли органлар маълумоти учун етказиш вазифасини юклади.

Пленум конкрет ишлар юзасидан протестларни ҳам кўриб чиқди. **(ЎзТАГ).**

ТОШКЕНТ ШАҲРИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

◆ **ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинатининг 4-ип йигирув фабрикаси ишчиси Назира Халилова ўз касбини пухта ўзлаштирганига эндигина 6 йил бўлди. Фабриканинг машҳур ип йигирувчиси Вера Ивановна Солдатова қўлида таълим олган ёш шогирд ҳозир 36 дастгоҳни мустақил бошқариб план-топшириқларини муддатида бажаришга эришаяпти.**

Суратда: Назира Халилова (ўнгда).

◆ **ТОШКЕНТ тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчи-мотористкаси Ҳадича Қодирова 8 йилдан бери шу корхонада меҳнат қилиб келади. Қисқа вақт ичида ишни пухта ўзлаштириб илғорлар қаторидан ўрин олган ёш ишчининг меҳнати яқинда III даражали «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди. У бугунги кунда илғор тикувчигина эмас актив жамоатчи, Октябрь район Советининг депутати ҳамдир. Суратда: Ҳадича Қодирова.**

Т. Каримов фотолари.

КПСС XXVII съезди қарорлари ҳаётга!

«УЗАГРОПРОМСТРОЙ»нинг ўн иккинчи беш йиллиққа белгиланган ташкилий-техникавий тадбирларида қурилаётган турар-жой ва бошқа граждан объектларининг 90 процентини «яхшн» ва «аъло» баҳоларга фойдаланишга топшириш кўрсатиб ўтилган. Қурилишнинг сифати эса темир-бетон ва пўлат конструкциялари, дурадгорлик буюмлари ва бошқа турдаги материаллар ишлаб чиқарадиган заводларнинг цехларидан бошланади, деб жуда тўғри айтилган.

Қурилиш саноати корхоналарига 1986 йилда 90—95 процент маҳсулотни биринчи категорияга, 10—15 процент маҳсулотни эса олий категорияга топшириш юкланган. Аттестациядан ўтмайдиган маҳсулот бўлиши мумкин эмас — бугунги куннинг талаби шундай.

Областимизнинг уйсозлик, йиғма темир-бетон конструкциялари ва дурадгорлик буюмлари тайёрлайдиган корхоналарида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш билан боғлиқ бўлган бу муҳим вазифа қандай ҳал қилинаяпти?

ЗАВОД ЦЕХЛАРИДАН БОШЛАНАДИ

КОРХОНА, ҚУРИЛИШ МАЙДОНИ, СИФАТ

— КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори бизнинг коллективимиз учун амалий ҳужжат бўлиб қолди, — дейди 1-қишлоқ уйсозлик комбинати бошлиғи Р. Эргашев.— Йирик панелли турар-жойларнинг сифатли қурилиши кўп жиҳатдан бизнинг «Юбилейний» посёлкасидаги заводимиз ишлаб чиқараётган темир-бетон конструкциялари ва бошқа буюмларнинг техник хусусиятлари ҳамда ташқи кўринишларига боғлиқлигини яхши биламиз. Ҳали бу ишда ҳал қилинмаган масалалар кўп. Завод ишчилари ва инженер-техник ходимлари 1985 йилдан бери ишлаб чиқаришга тадбиқ қила бошлаган сифатни бошқариш комплекс системаси айнан мана шу камчиликларни бартараф қилиш ҳамда ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга қаратилган. 1985 йилда сиртқи девор панеллари ва ички деворлар, қоплаш плиталари, вентиляция блоклари, пешайвон устун ва тўсинлари биринчи категорияга аттестация қилинди. Эндиги вазифамиз тайёрланаётган барча маҳсулотларимизни шу категорияга ўтказишдан иборат. Яқин йиллар ичида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бутун ҳажмини заводнинг ўзида сифатли пардозлаб чиқарила бошлаш вазифаси қўйилаяпти. Бу вазифани ҳал қилиш учун кураш бошланган.

Корхона меъморчиликнинг миллий анъаналари, табиий иқлим ва турмуш шароитларини ҳисобга олиб қатор эллипс шаклида ишланган ровоқлар, ҳаво ранг плиталар билан қопланган парапет ва цоколь панеллари, айвонларни сиртдан ўраш учун нақш безаклари, қуёш нурини тўсувчи қурилмалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Улар заводларда сифатли, чиройли кўринишларда тайёрлана бошланди. Бунга Тошкентдаги 1-бройлер паррандачилик фабрикаси ишчилари учун қурилган бир, икки қаватли 60 дан ортиқ йирик панелли уйларни мисол қилиб келтириш мумкин.

СДСК, унинг йирик панелли уйсозлик заводи «Узоргтехсельстрой»нинг технологик лойиҳа тресті билан ҳамкорликда сифат учун курашмоқда. Мутахассислар қисман завод шароитида бино олд томон сиртқи панелларига ишлов бериш технологияси бўйича бир қанча ишларни амалга оширишди. Бунинг учун бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин бўлган ўйма қолиплар тайёрланди.

Бинолар сиртини пардозлашда ишлатилаётган тежамли полимер-цемент қоришмалари ва майда заррали материаллар сезиларли ўзига хослик юзага келтиради ва панелларнинг чидамлилигини оширади. Комбинат квартираларга заводларда тайёрланган шкафлар, ошхона ва ваннахоналарга ишлов беришда ювиш мумкин бўлган гулқоғозлардан фойдаланишни планлаштирмоқда. Фақат уларни етказиб беришни йўлга қўйиш керак.

Албатта, комбинат ва заводда сифат кўрсаткичларини яхшилаш, шунингдек ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш бўйича барча резервлар ҳали ишга солинмаган. Лекин бу йўлда кишига умидбахш этадиган қувончли ишлар қилинмоқда. Комбинат ишчилари зиммага олинган вазифаларни фақат самарали тадбирлар белгилаш билангина ҳал қилиб бўлмайди, демоқдалар. Муаммога сифат ва ишлаб чиқариш плани учун жавобгар бўлган ҳар бир ижрочининг жавобгарлик ҳиссини, пировард натижадан моддий ва маънавий манфаатдорлигини ошириш, брақчиларга иқтисодий жарима солишгача бориб, албатта таъсир кўрсатиш асосида комплекс ёндошиш керак.

— Биз монтажчиларни қурилиш материалларининг сифати тобора яхшиланиб бораётганлиги қувонтирмоқда, — дейди бригадир И. Иминов.— Қишлоқ меҳнаткашларига сифатли уй қуриб бериш учун курашни завод цехлариданоқ бошлаб, хайрли иш қилинмоқда.

ЗИДДИЯТ

Наримановдаги темир-бетон буюртмалари экспериментал заводи «Узагропромстрой» системасидаги энг йирик корхона ҳисобланади. Бу корхонада йилига 60 минг кубометрдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари у пахта тайёрлаш пунктлари учун вазни енгиллаштирилган йиғма бостирмалар тайёрловчи бирдан-бир корхонадир.

1986 йилнинг биринчи ярмида корхонанинг кўрсаткичлари ёмон бўлмади. Заводда анчадан бери турғун ишлаб келаётган тажрибали ишчилар кўп. Яқин-яқинларда ҳам уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари сифатига ҳеч ким эътироз билдиролмасди. 80 процентдан ортиқ маҳсулотлари биринчи категорияга аттестация қилинарди. Ҳозир яна беш турдаги маҳсулотларини аттестациядан ўтказишга тайёргарлик кўриляпти. Бир сўз билан айтганда, ҳамма нарса жойидадек...

Лекин мана бирдан тиниқ осмонда чақмоқ чақандек заводга брак маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги учун 16,2 минг сўмлик жарима солинди. Нима учун? Йиғиладиган темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқаришда Давлат стандарти талабларига амал қилинмаган. Камчиликлар миқдори баъзан 40 процентдан ҳам ошиб кетган. Агар аниқроқ гапирадиган бўлсак, бетоннинг пишиқлик ва физик хоссалари сусайган.

Бу қандай гап... Илғор корхона жазоланса?! Лекин бу қутилмаган ҳол, оддий тартиббузарлик эмас. Заводда кейинги пайтда план кетидан қувиб сифат кўрсаткичларини унутиб қўйишяпти, технологик интизомни бузувчилар билан муросасозлик қилиб келинмоқда.

Миқдор кетидан қувиб сифатни унутаётган, Давлат стандарти талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотни бинокорлик объектларига жўнатиб уларга ортиқча меҳнат, маблағ сарфлашга мажбур қилаётган «Юбилейний» посёлкасидаги қурилиш конструкциялари комбинати ва Сергелидаги ёғочни қайта ишлаш заводи тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин.

Эшик ва дераза, пол тахталари ва бошқа маҳсулотларни системали равишда сифатсиз ишлаб чиқараётган Сергели ёғочсозларига ҳам 87,4 минг сўм миқдорида жарима солинди. Улар ишлаб чиқарилган маҳсулотларини аттестацияга тавсия этмаганлар. Чунки улар орасида аттестация қилишга лойиқ маҳсулотнинг ўзи йўқ. Брак маҳсулот ишлаб чиқаришнинг асосий сабабларидан яна бири дурадгорлик маҳсулотлари тайёрлашда хўл ёғочлардан фойдаланилаётганлигидадир. Ҳар икки корхонада ҳам ишчилар қўнимсизлиги юқори, бош инженерлари тез-тез ўзгаради, техника назорати бўлими лабораториялари суст ишлайди. Ишчи ўрни аттестация қилинмайди.

Партия XXVII съездида қабул қилинган Асосий йўналишларда /эса: **«Қурилиш ишлаб чиқариши изчиллик билан индустриалштирилсин, бу жараён объектларни заводда тайёрланган қисмлардан тиклашнинг ягона процессига айланишига эришилсин»,** дейилган. Буларнинг барчаси эса юксак сифат кўрсаткичи билан ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан бунёд этилаётган объектларнинг ҳар томонлама пишиқ-пухта, камчиликларсиз бўлишига кафолат беради.

И. АХМЕТОВ,
«Узоргтехсельстрой» тресті матбуот марказининг бошлиғи, «Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ОЛТИ ЁШЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Олти ёшли дугоналар Қумрихон Раҳимова ва Ирина Алферовалар ўқув қуролларини ўзларининг янги портфелларига жойлаштириб қўйдилар. Улар 1 сентябрь куни Тошкент шаҳрининг Ҳамза районидаги 255-мактабга ўқишга борадилар. Мактаб янги лойиҳа асосида қурилган. У ерда 60 нафар олти ёшли бола учун кенг блок бор. Аслида бу —мактаб ичидаги мактабдир.

Бинога алоҳида жойдан кирилади. Синфлар ва болалар ухлайдиган хоналар олти ёшли болаларнинг мактабга келишини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган. Деворлар ранги машғулотлар чоғида кичкинтойларнинг кўзлари чарчамайдиган қилиб танланган. Синфларда кўргазмали қуроллар, китоблар ва дафтарлар учун иҳчам шкафлар бор, одатдаги парталар ўрнига махсус столлар қўйилган.

Мактаб ҳовлисида каттагина теплица жойлашган бўлиб, бу ерда кичкинтойлар мактаб ошхонаси учун кўкат етиштирадилар. Бундай меҳнат дарслари болаларни фойдали ишга ўргатади.

Шаҳарда олти ёшли болалар учун мўлжалланган блоклари бўлган шундай иккита мактаб қурилган. Тошкент шаҳридаги жами 134 та мактаб олти ёшли болаларни қабул қилади.

А. КРАСИКОВА,
ЎзТАГ мухбири.

Касаба союз ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар

КЎРСАТМА КУТИШГА ОДАТЛАНМАНГ

Энгельс номли колхоз касаба союз ташкилоти сафига 830 нафар киши бирлашган. Ҳисобот даврида касаба союз аъзолари сони 60 кишига қўлайди. Касаба союз комитети улар эътиборини муҳим вазифаларга қаратиб келди. Кўпчиликнинг кучи билан қисқа вақт ичида «Галабатир» участраси ғазлаштирилди. Чорва фермаси территорияси асфальтланди, участка клуби ремонтдан чиқарилди.

Колхозчиларнинг дам олишларини ташкил этиш ва саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида ҳам кўпгина ишлар қилинди. 21 нафар колхозчи санаторийларда, 50 киши профилакторийларда ўз саломатликларини мустаҳкамлади. 50 киши туристик саёҳатларда бўлди. Ҳисобот доклади қилган колхоз касаба союз комитети раиси Т. Мамажонов мана шулар ҳақида батафсил гапирди.

Доклад юзасидан музокарада сўзга чиққан нотиқлар ижобий ишларни таъкидлаган ҳолда асосий эътиборни йўл қўйилган камчиликларга қаратдилар.

— Социалистик мусобақани ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш учун курашиш касаба союз ташкилотининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади,— деди Энгельс номли колхоз партия комитети секретари Э. Шерматов. Касаба союз комитети мусобақанинг давомийлигига эриша олмади. Фақат пахта йиғим-терими даврида мусобақа ташкил этилиб, бошқа пайтларда унутиб юборилди. Кўп ҳолларда мусобақага якун ясашда ҳам коллегиал фикр юритилмади. Касаба союз ташкилоти ўз ҳолича мусобақа иштирокчиларини рағбатлантириш билан шуғулланди. Ишга бир томонлама ёндошиш натижасида асосий меҳнат қаҳрамонлари эътибордан четда қоларди.

— Ёшларнинг дам олишини уюштиришда ҳам кўпгина камчиликларга йўл қўйилди,— деди 5-бригада бошлиғи Қ. Йўлдошев.— Бадиий ҳаваскорлик коллективлари иши кўнгилдагидек эмас. Спорт умуман ўз ҳолига ташлаб қўйилган. КПСС Марказий Комитетининг клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш бўйича чиқарган қарори колхозимизда суст бажарилмоқда.

Касаба союз комитети кўп ҳолларда мустақил ҳаракат қилмади. У юқоридан бўладиган кўрсатмани кутар эди. Албатта бундай аҳволда хўжалик ва маданий ишлардаги камчиликларни тугатиш амри маҳолдир. Совет турмуш тарзини қарор топтириш, қишлоқда турмуш маданиятини ошириш юзасидан кўзга кўринарли ишлар қилинмади. Сўзга чиққан сут — товар фермаси бригада бошлиғи Т. Ўролова, колхоз раиси Б. Қосимов ва бошқалар ўз ишини суст қайта қураётган касаба союз комитети, унинг аъзолари шаънига ҳақли танқидий фикрларни билдиришди. Йиғилишда Т. Мамажонов касаба союз комитети раислигига қайта сайланмади.

П. ЭРГАШЕВ,
Ўрта Чирчиқ райони.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЎҚУВЧИЛАРИ ГАЗЕТА ҲАҚИДА

МУЛОҲАЗАЛАР, ТАКЛИФЛАР

● Партиямиз XXVII съезди қарорлари асосида ҳозир ҳамма жойда ишлар қайта қурилмоқда. Лекин бу жараён жуда ҳам қийинчилик билан ўтаётганлиги кўпчиликка сир эмас. Биз газета саҳифаларида ишни қайта қуришга тўсқинлик қилаётган кишилар ҳақида танқидий мақолалар ўқишни истардик.

Умуман партиявий ишларни қайта қуришда тўпланган тажрибалар, бу соҳада эришилаётган дастлабки муваффақиятлар ҳақида кўпроқ мақолалар бериб бориш керак.

И. ТОШНАЗАРОВ,
Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхози партия комитетининг секретари.

◆ Сабзавотчиликни, боғдорчиликни механизациялаштириш истиқболлари, қишлоқ хўжалигининг бу тармоқларида меҳнатни ташкил этишнинг коллектив, оила пудрати ҳақида мақолалар кўпроқ берилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

К. ТОШЕВ,
Калинин районидаги Калинин номли колхоз партия комитетининг секретари.

◆ Деҳқонлар, қишлоқ меҳнаткашлари ҳақида берилаётган материалларда уларнинг оилавий ҳаёти, турмуш тарзлари қандай ўтаётганлигини ҳам муфассалроқ ёритилишини истаймиз.

С. РАСУЛОВ,
Бўка районидаги «Кўкорол» совхозининг бригада бошлиғи.

◆ Тошкент районидаги Абдурахмонов номли совхоз-заводнинг Д. Рўзиев бошчилик қилаётган 7-бригадаси далаларида силос учун экилган маккажўхори ўрими қизғин бормоқда. Бу йил деҳқонлар гектаридан 500 центнердан зиёд кўк масса йиғиштириб олиш учун курашмоқдалар. Суратларда: (ўнгдан) комбайнчи З. Қурбонгалиев ва трактор ҳайдовчиси С. Маметов ўртоқлар. Улар кундалик топшириқларини ортиғи билан бажармоқдалар.

Л. Йўлдошев фотолари.

ТАЛВАСА

ҚИССАДАН ПАРЧА

Абдусаид Кўчимов «Кашфиётчи болалар», «Тош бургут», «Менинг юлдузим», «Чаноқ» каби китобларнинг муаллифи. Ҳозир «Шарқ юлдузи» журналида хизмат қилади. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси, Еш ёзувчининг «Оқ каптарлар ороли» деб номланган янги қиссасида катталар ва болалар ўртасидаги мураккаб муносабатлар, қишлоқ кишилари ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар ҳикоя қилинади.

Қисса тўлиқ ҳолда «Шарқ юлдузи» журналининг шу йилги 9-сонида эълон қилинмоқда.

2.

НАЗАРОВ елкасида бош эмас, гўё тегирмонтош олиб юргандай эрталаб бошини аранг кўтарган ҳолда идорага келди. Бир пастгина ҳордиқ олмоқ ниятида дам олиш хонасига ўтди. Эшикдан кираверишда устига чет эл гилами солинган диванга беҳол чўкди. Кабинетдаги буюмлар унинг толиққан кўзларига гўё бегонасираб қараб тургандай эди. Бугун биринчи марта ўзи билан хонадаги нарсалар ўртасида алланечук ёт ҳиссиёт қутқу солганини севдию, аъзойи-баданига титроқ кирди. «Сен бу ерда меҳмонсан. Ҳадемай ўрнингга бошқа одам келади» деяётгандай бўларди шер панжали столстуллар унинг назарида. Назаров шифтда совуқ нур сочаётган қимматбаҳо қандилга кўзларини қадаган қўйи ғужанак бўлиб олди. Обдон эзғилангандай ланж танасига мудроқ югурди. Ёнбошлаб, киртайган кўзларини юмди. «Бу мебеллар, бу қандиллар, бу безакдор анжомларни топгунча қанча вақтим, қанча мол-дунём кетди, — ўйлай бошлади у. — Энди бариси сабил қолади. Ёниб кетмайдими! Ҳаммаси беҳуда. Ҳам-ма-си».

Узоқдан бир ниманинг жиринглагани қулоғига чалинди. Унинг телефон эканини идроклагунча орадан бир неча дақиқа ўтди. Трубкани олишга эринди. Узун столнинг тўрида титраб-қақшаб жиринглаётган қизғиш аппаратга маъюс термулиб ётаркан, «Саҳарлаб кимга зарур эканман», деб ўйлади. Қўнғироқ овози ўчди. Қани энди кечгача шу аҳволда мазза қилиб ётса. Ҳеч ким халақит бермаса. У чуқур-чуқур сўлиш олди. Энди кўзини юмган ҳам эдики, тағин телефон жиринглади. «Об-бо, бир пас мизғигани ҳам қўймайди-я. Норчучук қайси гўрда экан. Олса ўладими?! Мен олмайман. Олди-ёв? Ким экан? Зарур бўлса келиб айтади».

Эшик очилиб, кимдир ичкарига кирди.

Назаров истамайгина кўзини очди: Норчучук. Андак ташвишли.

— Аҳмедов сўраяптилар. Ҳозир телефон қиларкансиз.

Аҳмедовнинг номини эшитгач, Назаровнинг карахтлигидан асар ҳам қолмади. Ирғиб туриб, аппаратга ёпишди.

Қиз хонадан чиқиб кетди.

— Ўртоқ Риза Аҳмедович, салом... мен... шу ердаман,

3.

идорада... Бугунми? Ҳозир... Хўп-хўп, ўртоқ... — алоқа узилди. Назаров бирпас серрайиб турди, турдию бирдан калаванинг учини топгандай, ҳовлиқиб стол ёнидаги тугмачани қаттиқ босди. Норчучук келмагунча тугмачани қўйвормади.

— Тани маймоқ билан бош буғалтирни топиб кел, — деб буюрди эшикдан кўринишн билан Норчучукка. Ўзи тоқатсизланиб, дераза олдига борди. Пардани каттароқ очиб, осмонда тоғ томон сузиб бораётган кўрпадай қоп-қора булутга қаради. «Яна қандай бало кутаётган экан мени. Бир ойда учинчи-я...».

Болалигида чап оёғини арава босиб кетган Тани оқсоқнинг кирганини раис сезмади. Бурилиб, пойгакда қўл қовуштириб турган идора қоровулини кўргандан кейин зардаси қайнади:

— Шипиёнга ўхшаб сасинг чиқмайди. Келдим десанг, ўласанми, овсар!

Аччиқ-чучук гапларни эшитавериб қулоғи пишиб кетган қоровул сабр-қаноат билан гапнинг даромадини кутди.

— Меҳмонхонани тахла. Кассирни топ. Айт, ғизиллаб бозорга тушиб чиқсин. Комиссия келади. Бор, оёғингни қўлингга ол. — Тани бир гап айтмоқчи бўлган эди, раис бўкириб юборди:

— Ҳалиям шу ердамисан, чўчқа! Чоп дедим сенга! — Тани бир ютиниб чиқиб кетди. У кетиши билан хонага кирган Ўсар мўйлов Назаровнинг авзойини кўриб, гап бошлашга ботинолмай, раисга термулди.

Назаров қаҳрли илжайди.

4.

— Келдингизми? Сизнинг дастингиздан умрнинг қолганини қил кўприк устида ўтказамиз, шекилли-а?

— Тағин бир гап бўлдими, Бегматжон?

Назаров жавоб беришга шошилмай, аста бориб диванга ўтирди. Чўзилиб ўнг тарафдаги хонанинг бир томонини эгаллаб турган китоб жавонининг ғаладонини титкилаб, ҳар замонда бир чекадиган «ВТ» пачкасини олди. Пачкадан битта сигарета олиб лабига қистирди, ёндира туриб:

— Қоққан қозиқдай ғўдаймай, ўтиринг! — деб Ўсарга зуғум қилди.

Ўсар диваннинг бир четига омонат чўкди.

— Районда биззи текширмаган идора қолмади-ёв. Мана, энди навбат областга етибди.

Ўсар бухгалтернинг ичи музлаб кетди.

— Областдан...

Назаров сигаретани ютоқиб сўриб, тўппа-тўғри Ўсарнинг юзига пуфлади. Дамқисма касалига дучор бўлгандан буён ўзини эҳтиётлаб юрган Ўсар ғафлатда қолди: «Ўҳ-ҳу, ўҳ-ҳу, ўҳ-ҳу!». Нафаси қайтиб, йўтал баттар хуруж қилди. Назаров унинг ҳолини кўра-била туриб, яна тутун пуфлади. Ўсарнинг афти бўжмайиб кетди. Бошқа одам бўлганда анави стул билан бошига соларди. Бу азозил кимсан — Назаров бўлса...

— Бегматжон... Ўҳ-ҳу, ўҳ-ҳу!.. Ундай қилманг, биласиз-ку... Ўҳ-ҳу, ўҳ-ҳу... жо-он ука... Ўҳ-ҳу...

Титраб-қақшаб ўқчиётган Ўсар бухгалтерга қараб туриб, Назаров роҳатланди.

5.

Сигаретани чиғаноқ-кулдонга босиб ўчираркан, мазах аралаш:

— Э-э, касалингиз бор эди-я, — деди.

Ўсар дастрўмоли билан оғиз-бурнини артди.

— Эгангни егур, шу йўтал бир куни жонимни суғуриб олади-да.

— Жон беришга шошманг. Ҳеч бўлмаса комиссия кетсин.

— Калака қиласиз, танингиз соғ-да, — гинахонлик қилди Ўсар мўйлов. — Биз ёшимизни яшаб, ошимизни ошаган одам бўлсак...

Назаров ижирғанди, «Дийдиёга топган вақтингдан ўргилдим сани!».

— Анавиларнинг ҳисобкитобини тўғрилаб қўйганмисиз?

— Нимани?

— Гўштга олган моллар-ни айтяпман.

— Шундан кўнглим сал нотинчроқ, ука. Тўғрилашга тўғриладим-у, лекин исковучроқ одам дарров топади.

— Юрагингиз ёрилмасин! Комиссиянинг олдидаям шуйтиб ўтирсангиз уйимга ўт қўйиб юборасизку!

— Сиз сўрадингиз, мен айтдим, раис бобо. Йигирмата мол игнамаски, бир коваккa беркитиб қўйсак.

Назаров индаёлмай қолди. Ой бошида гўшт планини бажариш учун бозордан йигирмата қорамол сотиб олинди. Ҳар бири ўртача саккиз юз сўмдан баҳоланган молларни Назаров минг сўмдан қилиб дафтарга ёздирди. «Харажатим кўпайиб кетди» деган баҳонани рўкач қилиб, тўрт минг сўм фойдани яккаш ҳамёнига урди.

6.

Бош бухгалтерга тўрт мингдан тўрт тийинни ҳам раво кўрмади. Ўсар ҳозир шуни раиснинг юзига солмоқда эди.

Назаров тошбақани миниб олган чаёндай рақибининг қаерига найза санчишни билолмай, бир пас тажанг бўлиб турди-да сўнг қўлини бигиз қилиб:

— Барисига сиз айбдорсиз! — деди ғазаб билан.— Томорқа деб миямни ачитмаганингизда, бу ғавғолар йўқ эди. Энди бўлса, уялмай бор айбни менга тўнкаб ўтирибсиз.

— Мен сизга бир нима деётганим йўқ-ку, раис бобо. Томорқага келсак... ким билибди дейсиз, бир парча ердан шунча жанжал чиқишини.

Раис унга еб юборгудай қаттиқ тикилди.

— Бир нарсага ҳеч тушунолмаяпман, — деди кейин заҳарли товушда. — Турдиқўр буғалтериимиз ҳисоб-китобларни қаердан, кимдан оляпти?

Ўсар елкасини қисиб, ўйловда қолди.

— Совуқ ўтгандай намунча жунжикасиз? Биттаяримтадан гумонингиз бордир? Помингиз қанақа бола?

— Қурбонми, йўғ-е... Тағин, ким билади, дейсиз. Ҳозиргиларнинг ичидагини яратганнинг ўзи билмаса, бандаси ожиз.

— Гумоним бор, ўша болангиздан. Эҳтиёт бўлинг, олдида ҳар нимани валдирайверманг, деб неча марта айтдим сизга. Қулоқ солмадингиз. Мана энди...

Ўсар гапни бошқа ёққа буриб, ўзини оқлаган бўлди.

7.

— Бузоқнинг югургани сомонхонагача, Бегматжон. Азроил — Турди. Тўйчи воқеасиям кўзини очмади. Қайтага, яна битта ғаним кўпайди. Тўйдаги қилиғини қаранг. Тупроқ билан тенг қилди одамни. Тезроқ бир иложини топиб тинчитмасангиз, дунёни чаппа айлантиргудай шашти бор, бу ғилай ўлгирнинг! Малик муаллимникида ҳар куни майлис ўтказармиш. Бир дунё хатомизни топибди. Идора активларини тавбасига таянтирмасам отимни бошқа қўяман, деб юрганмиш. Юборган оқсоқолларимизни ҳам калтак олиб қувлагандай ҳайдаб юборибди.

Назаровнинг бурун катаклари керилиб отдай безовта пиқиқирди. Яп-алоқ юзлари аввал қўкарди, сўнг мармартошдай қорайиб, қизарган кўзларида совуқ ўт чақнади.

— Шу болани жувонмарг қилмайин, болаларининг қарғишига қолмайин девдим. Аттанг, ўзига-ўзи қилди. Умрингни турмада чиритмасам, сен заҳарни— Туриб бориб хона бурчагидаги каттакон темир сандиқни очди. Печати бузилмаган бир пачка юзталикни олди. Салмоқлаб кўраётгандай бир муддат қўлида ушлаб турди. Сўнг сандиқни қулфлаб, хотиржам Ўсарнинг ёнбошига келиб ўтирди.

Пулни кўриб, Ўсарнинг ранги ўчди. Раиснинг нияти кундай равшан бўлди унга. Кўз олдига Сулаймон бригадирнинг ҳайкалдай жонсиз юзи, изиллаб йиғлаётган болалари келиб, дами ичига тушиб кетди. «Йўқ-йўқ! Унақа қилиб бўлмайди, Сулаймон бригадирнинг, болаларининг қарғиши авлод-аждодимга етади. Мен аралашмайман. Мен...».

— Олинг буни, — деди Назаров пулни Ўсарнинг тиззаси устига қўйиб. — Яна бир марта ҳунарингизни кўрсатасиз. Бошқа йўл йўқ.

Ўсар тиззасига пул эмас, бир ҳокандоз чўғ қўйилгандай сапчиб кетди.

— Гуноҳга ботган одамман, Бегматжон, мени қийнаманг, — йиғламоқдан баттар бўлиб зорлана бошлади у. — Мен бир тақводор одам эдим. Қўлларим ҳаром бўлди. Оқшомлари... —Ўсар бирдан чўк тушиб раиснинг тиззаларини қучоқлаб олди. — Болангдан айланай, Бегматжон, ундай қилманг. Сулаймоннинг қарғиши етти пуштимга етади, айланай

— Раис оёғига ит тарирининг қарғиши — машмашандай бир силтаб тиззаларини тортиб олди-да, Ўсарнинг ёқасидан бўғиб қаттиқ силтади:

— Тур-э! Сахту сумбатингдан ўргилдим, сендай тақводорнинг! Бизни тандирга тиқиб, ёнишимизни томоша қилмоқчимисан ҳали! Дийдиёни нариги дунёга борганда онангга қиласан. Икки қулоғинг билан эшитиб ол, агар айтганимни қилмасанг, ланғиллаб турган тандирни бошингга кийдираман. Ҳа!

Назаров Ўсарни итариб туриб кетди. Ўтириб қолган Ўсар шалвираган танасини аранг тутиб ўзини диванга ташлади. Унинг тили ғўлдираб, оёқ-қўли даг-даг қалтираради...

Абдусаид КЎЧИМОВ.

КАНОПЧИЛИК:

СЕРМЕҲНАТ ВА ДОЛЗАРБ ЖАРАЁН

КАНОПЧИЛИКДА ҳосил ўрим-йиғими энг сермеҳнат ва масъулиятли жараён ҳисобланади.

Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, экиннинг 50 проценти техник жиҳатдан пишиб етилган пайтда ўрим-йиғимни бошлаш энг қулай муддат ҳисобланади. Бу вақтда поянинг учида ханжарсимон барг пайдо бўлиб, улар эластик ҳолатга келади, яъни эгиб кўрилганда каноп пояси синиб кетмайди. Агар ана шу муддат ўтказиб юборилса, олинган тола мўрт ва дағал, бўлиб қолади.

Бизнинг шароитимизда ўрим-йиғим ишларини август ойининг учинчи ўн кунлиги ва сентябрнинг биринчи ўн кунлигида бошлаш ва узоғи билан бир ой муддат ичида тугаллаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун хўжаликларда канопнинг экилган муддатига кўра ҳар бир карта учун ўрим-йиғимни бошлаш муддати алоҳида белгиланиши лозим. Агар каноп ўсимлиги илдиз чириш касаллигига учраган бўлса бундай майдонларда ишга барвақтроқ кириш керак бўлади.

Ўримни бошлашдан 6—8 кун илгари канопзорларни суғоришни унутмаслик керак. Бунда ҳар гектар ерга 600—650 кубометр сув сарфланса кифоя қилади. Ана шунда каноп пўстлоғи ўзагидан тез, осон ва тоза ажралади. Маҳсулотнинг юқори сифатли бўлиши таъминланади. Каноп поясини ўриш учун КС-2,1 агрегат ва трактор рамасига поя ётқизувчи мослама ўрнатиш тавсия қилинади. Бу агрегатнинг пичоқлари ердан 2—3 сантиметр баланд қилиб ўрнатилиши керак. Каноп пояси 8—10 сантиметр юқоридан ўриладиган бўлса ҳосилдорлик гектар ҳисобига 4—5 центнердан камайиб кетади. Бу йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир, албатта.

Ўрилган поялар йиғиштирилиб, дастлаб пўстлоқ ажратгич машиналарда (ЛС, ЛО-1 ва ЛО-1А) қайта ишланади. Машинага узатишдан аввал дасталанган поянинг туб қисми яхшилаб текисланган ва қалинлиги 2—2,5 сантиметр бўлиши керак. Акс ҳолда пўстлоқнинг сифати бузилади. Яъни пўстлоқда ўзак кўпайиб кетади.

КУ-0,2 маркали янги йиғув комбайни канопчиликдаги ишларни механизациялашнинг бошланғичидир. Бу машинада бир йўла уч иш бажарилади. Яъни каноп ўрилади, пўстлоғи ўзакдан ажратилади ва лубни ерга бир текисда ёйиб кетади. Мутахассисларнинг кўрсатишича эски каноп ўриш машиналарига қараганда бу механизм ёрдамида канопни ўриб йиғиб олишга кетадиган сарф-ҳаражат 20 марта камаяди. Ундан ташқари умумий толанинг чиқиши 3—4 процент, узун толанинг чиқиши 2—3 процентга ошади.

Коммунистик районидаги Свердлов номли, «Ленинский путь» колхозлари бу комбайндан юксак унумдорлик билан фойдаланмоқдалар. Лекин ҳозиргача кўпчилик хўжаликларда ўрим-йиғим пайтида «ЛС» луб ажратиш машинаси ишлатилади. Албатта, бу машинада канопни қайта ишлаш даврида пўстлоққа (лубга) айрим вақтларда тўпоннинг (костра) илашиб кетиши кузатилади, бу маҳсулот сифатини пасайтиради.

Сифатли каноп уруғи олиш учун гуллаш даврида ва ҳосилни йиғиштириб олиш олдидан бегона нав ва касал тупларини юлиб ташлаш асосий агротехник тадбир ҳисобланади. Уруғлик каноп шу икки босқичда тозаланганидан сўнг апробация қилинади. Етиштирилган уруғликни нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун уни янчиш муддатларини обиҳаво ва канопнинг ривожланиш ҳусусиятларини ҳисобга олиб, тўғри белгилаш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Каноп уруғлари ўриб олинган поярада турганда ҳам пишиб етилиш хусусиятига эга. Картадаги каноп поясининг 75 процентида пастки қисмидаги уч-тўрттадан кўсакча пишиб етилиши биланоқ уруғлик канопни ўриб-йиғиб олишга киришиш лозим.

Агар уруғлик канопни ўриш кечиктириб юборилса ҳароратнинг пасайиши натижасида каноп поясининг юқори қисмидаги кўк кўсакчаларнинг пишиб етилиши секинлашади. Пастки қисмидаги бўлиқ кўсакчалар чатнаб, уруғлари тўкилиб кетади.

Ўрилган поялар қуритиш учун далада қолдирилади. 15—16 сантиметр калинликда боғ-боғ қилиб икки жойидан боғланади ва ложи борича тезроқ қуритилади. Уруғлар тўла етилиши учун боғлар сийракроқ қилиниб, тик ғарамлаб қўйилади.

Пояларни тез ва яхшироқ қуритиш учун боғлар елпиғич шаклида ғарамланади: дастлабки 3 бош юқори қисмидан боғланиб тик қилиб қўйилади ва уларнинг устига қолган боғлар жойланади. Бу усул қўлланилганда поялар 5—6 кун олдин қурийди, уруғлар эса яхши етилади. Қуритилган поялар МКФ-6 маркали молотилкаларда янчилади.

1985 йили Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозида ўрилган каноп далада қуритилгандан кейин ёпиқ биноларга ташиб келиниб молотилкаларда янчилди. Пояларни ташиб келишда анча кўсакчалар чатнаб кетиб 1,5—2 центнер ҳосил йўқотилди.

Янчиб олинган уруғлик намлиги 12 процентдан юқори бўлса, уларни сақлаш мумкин эмас. Омборхона шамоллатиб турилиши керак.

Шуни унутмаслик керакки, каноп етиштиришда фан ютуқлари ва илғор тажрибага асосланган ҳолда барча агротехник тадбирлар қулай муддатларда, сифатли ўтказилиши билан бирга энг масъулиятли ва сермеҳнат жараённи тўғри ва ўз вақтида ташкил қилиш кўк поя ва уруғлик каноплан юқори ва сифатли тола ва уруғ олишнинг замини ҳисобланади.

А. ТУРСУНХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон толали ўсимликлар тажриба станциясининг директори, биология фанлари кандидати.

Х. УМАРОВ,
шу станциянинг ўсимликлар физиологияси группа раҳбари, биология фанлари кандидати.

Ф. САИДБУРХОНОВ,
шу станциянинг агротехника лабораторияси мудири, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

Т. АЗИЗОВ,
шу станциянинг агрохимия лабораторияси мудири, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Журналистлар тажриба алмашдилар

26 август куни Тошкентдаги Округ офицерлар уйида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида ёзадиган журналистларнинг семинари бўлиб ўтди. Семинарни Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округининг сиёсий бошқармаси ва Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси уюштирди.

Семинарда Ҳарбий кенгаш аъзоси — Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант Г. А. Стефановский доклад қилди. Журналистлар матбуотда, телевидение ва радио орқали ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларини ёритишга оид иш тажрибасини ўртоқлашдилар. Семинар иштирокчилари Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг тарих музейини бориб кўрдилар. Афғонистонда чекланган совет қўшинлари қисми составида ўзининг интернационал бурчини бажариб келган жангчилар билан учрашдилар. **[ЎзТАГ].**

Янги ўқув йили арафасида

СПОРТ ЗАЛЛАРИГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ХАЛҚ МАОРИФИ БОШ БОШҚАРМАСИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ.

Янги ўқув йили бошланишига саноқли кунлар қолди. 1 сентябрь куни пойтахтимиздаги 260 та мактаб 300 мингдан зиёд болаларни ўз бағрига олади. Ана шу мактаб бинолари спорт залларини ремонт қилиш, керакли спорт анжомларини тайёрлаб қўйиш учун ажратилган вақт қўлдан бой берилмаганми? Бу саволларнинг барчасига жавоб олиш учун биз пойтахт мактабларининг бир нечтасида бўлдик.

Октябрь районидаги 157-мактабга келганимизда мактаб директори Каромат Ҳошимова бошчилигидаги педагоглар янги ўқув йили иш планини муҳокама қилишаётган экан.

— Бизнинг мактабимизда 1100 га яқин ўқувчи таҳсил олади, — дейди К. Ҳошимова. — Мактаб ислоҳотида қўйилаётган вазифа ана шу ёшларни билимли ва меҳнатсевар қилиб тарбиялашдан иборатдир. Бунинг учун болалар аввало соғлом ва бақувват бўлишлари лозим. Шу туфайли ҳам бизда физкультура ва спортга алоҳида эътибор берилмоқда. Мактабимиз спорт залини янги ўқув йилига тайёрлаш ишлари 1 июль куни якунланган эди. Бу ишларни амалга оширишда бизга оталиқ ташкилотлар ҳамда ота-оналар яқиндан ёрдам беришди.

Шу райондаги 254-мактабда эса аҳвол бирмунча ўзгача. Мазкур мактаб 1985 йил сентябрь ойида фойдаланишга топширилган бўлишига қарамай ўзги спорт майдончалари яроқсиз ҳолга келиб қолган. Спорт залининг ойналари эса синиб ётибди. Футбол майдонида суғориш системаси ўрнатилмаган. Лекин бунга мактаб директори Й. Абдуллаев ҳам, физкультура ўқитувчиси М. Дадахонов ҳам мутлақо эътибор беришмаяпти. Бундай ҳолларни Собир Раҳимов районидаги 134-, 29-, Акмал Икромов районидаги 44-мактабларда ҳам учратиш мумкин.

Акмал Икромов районидаги Совет Иттифоқи Қаҳрамони қирувчи-учувчи Н. И. Власов номли 229-мактабда эса спорт зали ремонти эндигина бошланган. Мазкур мактаб спортнинг волейбол турига ихтисослаштирилган бўлишига қарамай ҳанузгача спорт анжомлари харид қилинмаган. Мактаб директори Инна Федоровна Гаек нима учун ремонт ишларини кеч бошлаганликлари ҳақида берган саволимизга «ўқитувчилар меҳнат отпускасида эдилар» деган жавобни берди?! Агар иш шу йўсинда кетадиган бўлса янги ўқув йилида ўқувчилар учун физкультура билан шуғулланиш имкони бўлмайди.

Фрунзе районидаги 127-ўрта мактаб спорт залини физкультура ўқитувчиси калитини олиб кетганлиги сабабли кўролмадик. Лекин ёзги спорт майдончаси қониқарсиз аҳволда эди. Футбол стадиони ён атрофларида металлоломлар уюлиб ётибди. Бу ерда ҳам суғориш системаси йўқ экан. Баскетбол майдончасидаги шчитлар эса яроқсиз ҳолга келган. Узунликка ҳамда баландликка сакраш майдончаларига эса қараб бўлмайди. Янги ўқув йили иш плани ҳам тайёр эмас экан.

Ҳамза районидаги 170-ўрта мактабга келганимизда 2-трестнинг 8-ремонт қурилиш бошқармаси ишчиларидан бор-йўғи икки киши мажлислар залини ремонт қилишаётган экан. Лекин спорт залига эса ҳанузгача қўл урилмаган. Душхонанинг аҳволи мутлақо талабга жавоб бермайди. Мактабнинг ўқув ишлари бўйича мудири Ҳамза район Совети депутати Наталья Ивановна Неграй мактабнинг ремонт ишлари икки-уч кунда тугалланади, деб бамайлихотир гапирмоқда. Икки ойда битмаган иш қандай қилиб икки-уч кунда битиши мумкин. Бунинг устига спорт майдончаларидаги снарядлар ҳам яроқсиз ҳолда.

Мазкур мактаб ёнида жойлашган 156-мактабда эса аҳвол бундан ҳам ёмон. Ҳанузгача спорт залининг синган ойналари алмаштирилмаган. Ёзги спорт майдончаси эса мутлақо йўқ.

Мактабимизда бошланғич синф болалари учун спорт зали йўқ дейди,— мактаб директори Тўхтамурод Муталов. — Бунинг асосий сабаби 1982 йилда Маориф министрлиги Бутуниттифоқ мактаб ўқувчилари спартакиадасига тайёргарлик кўриш учун иккинчи залимизни Акмал Икромов районидаги 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг сувга сакраш ҳамда батутчилари учун вақтинча фойдаланишга топширишган эди. Лекин мана ҳанузгача улар бизнинг спорт залимизни бўшатишганича йўқ. Бу эса мактаб ўқувчилари ўртасида физкультура ва спортни янада ривожлантиришга ҳалақит бермоқда. Бу ҳақда биз бир неча бор район ижроия комитетига мурожаат қилгандик. Лекин натижа чиқмади. Шунингдек, мавжуд спорт залимиз поли чириб кетди. Оталиқдаги ёғмой комбинати коллективи эса ана шу камчиликларни бартараф этишга ёрдам бермаяпти.

Маориф министрлиги ҳамда шаҳар ижроия комитети ана шу мактабда жойлашган Акмал Икромов районининг болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бўлимини ўз районига кўчиришса ёки бўлмаса Ҳамза райони ихтиёрига ўтказишса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Рейдимиз давомида пойтахт шаҳрининг кўпгина мактабларида янги ўқув йилига жиддий тайёргарлик кўрмаганликлари маълум бўлди. Юқорида таъкидланган мактаб раҳбарлари ремонт ишларига жиддий киришиб, зудлик билан спорт залларини мавсумга тайёрлашлари лозим. Ана шу борада қандай ишлар амалга оширилганлиги ҳақида редакция амалий жавоб кутади.

Г. АВЕЗОВ,
Тошкент шаҳар ижроия комитетининг халқ маорифи бош бошқармаси инспектори.

А. ҲАКИМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СССР ХАЛҚЛАРИ IX СПАРТАКИАДАСИДА

МОСКВА шаҳрида от спорти бўйича ўтказилган мусобақаларда республикамиз терма командаси муваффақиятли иштирок этди. Чавандозларимиз тўсиқлардан ўтиш бўйича Литва командасидан сўнг иккинчи ўринни қўлга киритиб, спартакиаданинг кумуш медалига сазовор бўлди.

* * *

МИНСКДАГИ спорт саройида нафис гимнастика бўйича спартакиада турнири бўлиб ўтди. Унда Узбекистон командаси умумҳисобда тўртинчи ўринни эгаллади. Терма команда аъзоларидан Марина Николаева кўпкурашнинг таёқча билан машқ бажариш, Венера Зарипова эса халқа билан рақса тушиш турларида яхши натижа кўрсатиб, спартакиада ҳамда СССР чемпионатининг олтин медали соҳиби бўлишди.

ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА

Фарғона шаҳрида мотобол бўйича Бутуниттифоқ зонал турнири ўтказилди. Унда Қозоғистон, Туркманистон ва Узбекистон спортчилари иштирок этишди. Барча учрашувларда муваффақиятли иштирок этган республикамиз терма командаси СССР халқлари IX спартакиадаси финалида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ЛОҚАЙДЛИКМИ, МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК?»

Область маиший ремонт қурилиш бошқармасида йўл қўйилаётган ҳўжасизликлар ҳақида газетанинг 26 июль сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолага область ўйларни қуриш-тузатиш бошқармасининг бошлиғи И. Подлеснийдан жавоб олинди. Унда мақола бошқарманинг кенгайтирилган советида кўриб чиқилганлиги хабар қилинган. Мақолада кўрсатилганиндек, айрим қурилиш материаллари — ёғоч-тахталар, шиферлар Горький, Хабаровск, Свердловск шаҳарларидан келтирилади. Фонд билан бериладиган барча материалларни эса Ўзбекистон ССР Госснаби тақсимлайди. Область қурилиш-тузатиш бошқармаси эса бундай материалларни «Ўзстройрембит» трести орқали олади. Ёғоч-тахта материалларининг бир қисми транзит йўл билан келтирилса, қолгани трест орқали берилади. Уларнинг деярли эллик процента сифатсиз бўлгани учун бундай материаллар билан аҳолига хизмат кўрсатиш имконияти йўқ.

Шифер масаласига келганда фонд билан бериладиган бир дона шиферниг баҳоси 2 сўм 20 тийиндан 3 сўм 65 тийингача тушади. Бундай шиферни аҳоли буюртмасига ишлатадиган бўлсак, транспорт харажати, ишчи кучига кетадиган маблағ билан 4 сўм 16 тийинданга тушади. Бу эса аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Бошқарма шу кунларда ўз қарамоғидаги Оҳангарон участкасини сифатли ва етарли миқдорда қурилиш материаллари билан таъминлади.

ТОШКЕНТ ЯНГИЛИКЛАРИ

◆ РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахтида М. Ғафурий номли Бошқирд академик драма театрининг гастроллари давом этмоқда. Уфалик санъаткорлар ўзларининг энг яхши саҳна асарларини намойиш этиш билан бир қаторда тошкентлик ҳамкасблари билан учрашиб, ижодий суҳбатда бўлаяптилар. Суратда: (чапдан) Ўзбекистон ССР халқ артисти Р. Иброҳимова ва бошқирд актрисаси Ш. Дилмуҳаметова.

А. Рисқиев фотоси. (ЎзТАГ).

«ЕР ПЛАНЕТАСИНИ САҚЛАБ ҚОЛАМИЗ!»

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР давлат кутубхонасида очилган кўргазмага шу сўзлар шиор қилиб олинган. Кўргазма халқаро тинчлик йилига бағишланди.

Унинг экспозициясида мамлакатимиздаги катта-катта йигирмата нашриётнинг мингга яқин томлари, шунингдек чет элларда нашр қилинган китоблар бор.

Кўргазма «Тинчликсеварлик сиёсати», «Ҳеч нарса унутилган эмас», «Ҳамиша бирга», «Европа, ким билан биргасан», «Ҳаёт ва тинчликка қарши», «Тинчлик бўлган ерда ҳаёт бор» деган олтита тематик бўлимдан иборат. Бу ерда таниқли совет публицистларининг китоблари билан бирга СССР-нинг тинчликсевар сиёсати тўғрисида ҳикоя қилувчи, империализмни фош этувчи архив ҳужжатлари, фотоматериаллар ҳам кўрсатилмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

ЗАМОНАВИЙ, БЕЖИРИМ

Ҳар бир киши замонавий, бежирим кийим кийишни истайди. Ана шундай либослар ни танлашда Тошкентдаги республика модалар уйининг рассом, моделчилари ҳамда конструкторлари яқиндан ёрдам кўрсатишлари мумкин. Улар аҳоли талабини эътиборга олган ҳолда кўплаб янги-янги замонавий либослар ўйлаб топмоқдалар. Модалар уйининг маҳсулоти чет элларда ҳам катта эътибор қозониб келмоқда.

Ўтган йили Чехословакияда ўтказилган модалар кўргазмасида республикамиз вакиллари намойиш қилган кийим-кечаклар юқори баҳо олиб, «Яснон экс» фирмасининг дипломи билан тақдирланди.

Ҳозирги кунда модалар уйининг 139 дан ортиқ маҳсулотлари «Янгилик» индекси билан республикамиз фабрикаларида ишлаб чиқарилмоқда.

М. РАШИДОВА.

МАДАНИЯТ УЙИДА «АСКИЯ» ТЎГАРАГИ

Яқинда Акмал Икромов районидаги Абдулла Қаҳҳор номли маданият уйи қошида «Аския» тўгараги иш бошлади. Абулқосим Тўйчиев раҳбарлик қилаётган ҳаваскорлик коллективига бадиий сўз усталари билан бирга ёш ҳаваскорлар ҳам жалб этилди.

«Гул», «Мева ва сабзавот», «Ашула» пайровлари асосида ўзининг биринчи программасини тайёрлаётган аскиячилар сентябрь ойининг бошларида А. Икромов номли маҳалла аҳлига ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

А. ТОЛИПОВ.

ҚЎЛЁЗМАЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

XI аср олими Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ҳусайни ал-Ҳаракининг қўлёзмаси астрономия, география, фалсафа масалаларини ўз ичига олади. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси шарқшунослик институтининг олимлари китоб омборидан шу қўлёзмани топдилар.

Институт китоб омборида шарқ тилларида ёзилган 40 мингтадан кўп қадимги текст ва неча ўн минглаб ҳужжатлар бор. Булар — тарих, география, медицина, математикага доир китоблар, адабий асарларнинг тўпламларидир.

Институтда икки томдан иборат «Шарқ миниатюраси» ҳам нашр этишга тайёрланди. Унга XIV—XIX асарлар қўлёзмаларига ишланган уч мингтага яқин расм киритилган.

(ЎзТАГ мухбири).

Фан-техника: ИЗЛАНИШЛАР, КАШФИЁТЛАР

КУЧГА-КУЧ ҚЎШАДИ

● Совет олимлари алкалоид деган қимматбаҳо модда ҳосил қилувчи шифобахш ўсимликларнинг кучини қарийб икки баравар оширишга муваффақ бўлдилар. Улар топган стимуляторлар ёрдамида яшил организмлар ўсиш жараёнида шундай бирикмалар ҳосил бўлиши ва йиғилишини тезлатади. Бу нарса моддаларнинг бошқариладиган биосинтези сари йўл очиб беради. Бундай моддалар кўпинча олтиндан ҳам қиммат туради.

—Бугунги кунда фармацевтика саноати ишлаб чиқаратётган доривор воситаларнинг тахминан учдан бир қисми ўсимликлардан олинмоқда, — дейди СССР Фанлар академияси биохимия институтининг илмий ходими М. Ловкова. — Шу препаратлар орасида морфин, хинин, кодеин, папаверин каби алкалоид табиатли бирикмалар алоҳида роль ўйнайди. Улар кўпгина оғир касалликларни даволашда қўл келмоқда.

Бундан ярим аср аввал саккиз юзтагина шундай модда маълум эди. Бугунги кунда илм-фан ўн минг алкалоидни билади. Лекин ўсимлик таркибида у жуда оз бўлади, — ўсимлик умумий вазнининг ўрта ҳисобда бир процентинигина ташкил этади. Хўш, шуларнинг миқдорини кўпайтирса бўладими?

Алкалоид ҳосил бўлиш жараёнини ўсимликнинг ўзи қаттиқ назорат этиб тартибга солиб турсада, муайян миқёсгача кўпайтирса бўлар экан. Олиб борган тадқиқотларимиз ҳар хил микроэлементлар, ўсиш регуляторлари стимулятор бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини кўрсатди.

В. ОВЧАРОВ, ТАСС мухбири.

Москва.

ПОЕЗДНИ РЕЛЬСЛАР... САҚЛАЙДИ

● СТАНЦИЯГА келавершда светофор қипқизил бўлиб турарди, лекин поезд тезлигини пасайтирмади. Тепловоз кабинасида машинист мудраб қолганди. Ёхуд у билан бошқа бир ҳодиса юз бергандир...

Жуда оз бўлсада, лекин шундай вазиятлар бўлиб туради ва одатда катта фалокатга сабаб бўлади. Хўш, машинистнинг қандай ҳолатда эканлигидан қатъий назар поезд қизил сигнал олдида тўхтамоғи учун нима қилиш керак?

Тошкент темир йўли транпорти инженерлари институтини битирган Ж. Бурдукова ва О. Панкрац мана шу саволга жавоб бердилар. Улар ёқлаган диплом лойиҳасида поезд қатнови хавфсизлигини оширувчи содда ва пухта йўл таклиф этилади.

Тормоз йўлига қўйилган датчиклар ёрдами билан станцияга яқинлашиб келаётган составнинг тезлиги ўлчанади. Қизил чироқ ёниб турганида состав тезлигини камайтирса —хавф хатар йўқ. Тезлик камайтирилмаса, тепловозга тегишли сигнал бориб, тормозлар ишга тушади ва машина машинистнинг командасисиз таққа тўхтайди.

Давлат комиссияси студентларнинг ишига «аъло» баҳо қўйди. Улар ўз ишларини автоматика, телемеханика ва алоқа кафедрасининг доценти Х. И. Полевой раҳбарлигида бажардилар.

(ЎзТАГ мухбири).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЗАВҚЛИ МАНЗАРАЛАР

ШАҲАР АТРОФИДАГИ ОРОМГОҲЛАРГА, УЗОҚ САФАРЛАРГА, ТУРИСТИК САЁҲАТЛАРГА БОРГАНДА ЗАВҚЛИ ТАБИАТ МАНЗАРАЛАРИНИ СУРАТГА ОЛИШ УЧУН «ЛОМО-КОМПАКТ» ШКАЛАЛИ ИХЧАМ ФОТОАППАРАТ ҚЎЛ КЕЛАДИ.

Унинг оғирлиги 250 грамм, ғилофсиз (объективи ва видоискатели шикастланиш ва ифлосланишдан ҳимояланган). Шунинг учун ҳам уни ҳамёнга солиб юриш мумкин. Ҳатто бошловчи фото ҳаваскор ҳам бу аппарат билан бемалол ишлай олади: масофа ва об-ҳаво белгилари бўйича шкаласи автоматик тарзда созланади.

Маҳкам ўрнатилган кенг бурчакли объективи 35 миллиметрли фотоплёнкага слайдлар ва негативларни сифатли туширади. Фотоаппарат видоискатели — телескопли нурли индикацияси қувват олиш манбаи ишга яроқли эканлиги ёки ёруғликнинг камлигини билдириб туради. Фотоаппаратда ёритгич лампадан ҳам фойдаланиш ва плёнкани автоматик тарзда сурадиган махсус мослама ўрнатиш ҳам кўзда тутилган.

«ЛОМО-КОМПАКТ» фотоаппарати баҳоси — 75 сўм.
«РАССВЕТ» МАРКАЛИ РЕКЛАМА-КОММЕРЦИЯ ТАШКИЛОТИ.

САНОАТ — САВДОГА!

САМОКАТ БОЛАГА ЗАВҚ БЕРАДИ

Дадалар ва бувижонлар. Спортроллер болалигингизда сизларга талаб завқ-шавқ бахш этганлигини яхши эслайсиз. Шунинг учун ҳам фарзандларингиз ёки набираларингизга ана шу икки ғилдиракли пастак ажойиб аравачани сотиб олиб беринг.

КИЧИК ФАРЗАНД АНА ШУ САМОКАТНИ ЕЛДИРИБ МУВОЗАНАТ САҚЛАШНИ ЎРГАНАДИ, ОЁҚЛАРИНИНГ МУСКУЛЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРАДИ.

СПОРТРОЛЛЕР ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИДА ТАЙЁРЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА.

ҒИЛДИРАК БАЛЛОНИ ДАМ БЕРИБ ШИШИРИЛГАНЛИГИ ТУФАЙЛИ ШОВҚИНСИЗ ВА ЮМШОҚ ЮРАДИ.

Спортроллер баҳоси — 13 сўм 50 тийин.

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

«ТЎМАРИС» МОСКВАДА КЎРСАТИЛАДИ

Композитор Улуғбек Мусаев ижодида балет асарлари етакчи ўрин тутади. Унинг «Тўмарис» балети ҳам ёрқин музикавий куйи ва хореографик жозибаси билан ажралиб туради.

Ёзувчи Я. Илёсовнинг тарихий мавзуда ёзилган повести ана шу постановкага асос бўлиб хизмат қилди. Балет Алишер Навоий номли театрда таниқли балетмейстер И. Юсупов бошчилигида саҳналаштирилиб, муваффақият қозонди.

СССР Давлат мукофотига тақдим этилган мазкур спектакль театрнинг Москвага қиладиган ижодий сафарида пойтахт томошабинларига намойиш этилади.

МАКТАБЛАРГА «АҚЛЛИ» МАШИНАЛАР

Ўқув жараёнига информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари курсининг киритилиши муносабати билан мактабларни «ақл»ли машиналар билан таъминлаш тадбирлари кўрилмоқда. Ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини оширишда «Агат», «Ямаха» каби электрон-ҳисоблаш машиналари жуда қўл келади.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги Республика ўқув-методик кабинети информатика сектори ана шу ишларни кенг йўлга қўйишга киришди. Тошкент шаҳридаги билим масканларини бундай асбоб ва қурилмалар билан жиҳозлаш тезкорлик билан олиб борилади.

Чилонзор ва Куйбишев районлари мактаблари яқин орада «ақл»ли аппаратлар билан жиҳозлашга киришилади.

А. АЛИЕВ.

АНЪАНАВИЙ ҚОВУН САЙЛИ

ТИЛИМИ ТИЛНИ ЁРАР

(РЕПОРТАЖ)

Фарғонанинг «Шакарпалак», «Босволди», «Обиноввот», Каттақўрғоннинг «Кўкча», «Бўрикалла», «Амири», Бухоронинг «Гулоби», «Қорақанд», Андижоннинг «Оқшакарпалак», «Қўйбоши», «Кўктоки», «Сариқтоки», «Оққўзивой» каби ширин-шакар қовун-тарвузлари таъмини билмоқчи бўлсангиз пойтахтимизнинг, «Зарафшон» ресторани олдидаги майдонда ташкил этилган «Қовун сайли»га марҳамат қилинг.

Тошкент шаҳрининг барча районларида «Қовун сайли» бошланди. Республикамиз областларининг вакиллари ўз оталиқларидаги район территориясида ажратилган махсус павильонларда мева-сабзавот савдосини бошлаб юбордилар. Карнай-сурнай садолари кечгача пойтахт меҳнаткашларини сайилга «таклиф этди».

— Хўжалигимизда навлари йўқолиб кетаётган қовун-тарвузларни қайта тиклаш, яратилган янги хилларини кўплаб экишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди Фарғона областидаги «Москва» колхозининг звено бошлиғи, тажрибали деҳқон Т. Турсунбоев. — Бу гал эса ана шундай нав ҳосилларини ҳам келтирганмиз. Улар тошкентликларга маъқул бўлаётганидан жуда хурсандмиз.

Андижонлик деҳқонлар ҳам қўли-қўлига тегмай савдо қилишмоқда. Бўз районидаги К. Маркс номли колхознинг бригадири Ҳ. Абдуллаев олиб келган маҳсулот олдига бир қария яқинлашади: — Э, бу «Оққўзивой»ку. Тарвузнинг бу навини кўрмаганимга неча ўн йиллар бўлди-ёв. Мен унинг уруғи умуман йўқолиб кетган бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Буни қаранг-а...

У шундай деди-ю, бир қулоч келадиган узунчоқ тарвузни даст кўтариб тарозига қўйди. У 11 килограмм тош босди.

— Ҳа, отахон, — дейди Ҳ. Абдуллаев, — бу тарвузнинг уруғини бир неча йил излаб, ўтган йили топдим. Сўнгра бригадамиз даласига экдим. Назаримда гектаридан 500 центнергача ҳосил олиш мумкинга ўхшайди. Бу нав камуруғ бўлиб, мазаси ҳам ширин.

Шунингдек, республикамизнинг Сирдарё, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро, Наманган областлари деҳқонлари томонидан етиштирилган тилни ёрар қовун-тарвузларни ҳам тошкентлик харидорлар мамнунлик билан харид қилишмоқда. Уни етиштирган деҳқонларга ўзларининг қалб сўзлари, миннатдорчиликларини изҳор этмоқдалар.

— Биз «Қовун сайли»га келган деҳқонлар учун зарур шарт-шароитларни яратиб бердик, — дейди Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бўлимининг катта экономисти Собит Имомов.— Бундан ташқари «Ташплодоовошч» бирлашмаси махсус кўчма савдо дўконлари ҳам ташкил этди. Тошкентликлар қовун-тарвузлардан ташқари узум, олма, шафтоли, олхўри каби ноз-неъматларни ҳам харид қилишлари мумкин.

Полиз маҳсулотлари кўриги ой охиригача давом этади. Энг яхши навлар учун республика агросаноат давлат комитети махсус мукофот ва эсдалик совғалари таъсис этган.

«Қовун сайли»га марҳамат қилинг, азиз дўстлар!

Р. УСМОНОВА.



● **Суратларда: Қовун сайлига ташриф буюрган тошкентликлар деҳқонлардан мамнун.**

С. Маҳкамов фотолари.

Редактор Н. НАСИМОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Иттифоқимизнинг ҳамма жойларидаги каби республикамизда ҳам 1987 йил учун газета ва журналларга обуна бошланди.

«Тошкент ҳақиқати» газетасига ҳам обуна бўлишни унутманг.

Бунинг учун «Союзпечать» агентликларига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар-жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилишингиз мумкин. Улар сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишади. 1 ноябрдан обуна бўлганларга эса газета 1987 йил февралидан бошлаб етказиб берилади.

Газетанинг ОБУНА БАҲОСИ: 1 йилга—6 сўм 60 тийин.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

● МТ I

9.00 «ВРЕМЯ». 9.45 «Саёҳатчилар клуби». 10.45 «Кузги марафон». Бадиий фильм. 12.15 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Ҳужжатли фильмлар: «Тебранишлар сири» (Литва киностудияси). «Фан ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари» (Киев). 16.05 «Пролисок нима?». Кировоград болалар хореография ансамблининг чиқиши. 16.55 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув кўрсатуви. 17.25 «Қизча циркда». Мультипликацион фильм. 17.45 Енгил атлетика бўйича Европа чемпионати. ГФРдан олиб кўрсатилади. 18.15 А. Литвиненко куйлайди. 18.40 СЎЗНИ АМАЛДА ИШ БИЛАН ОҚЛА. «Министрлик парткоми». «Миннефтегазстрой» партия комитети ишини қайта қуриш тажрибасидан. Кўрсатувда СССР Нефть ва газ саноати министри В. Г. Чирсков иштирок этади. 19.10 «Дунё воқеалари». 19.25 «ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ БОШЛАНИШИГА». СССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг раиси А. П. Думачев сўзи. 19.40 «Дунё ва ёшлар». 20.10 «Қўзголон тарихи». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм премьераси (ЧССР). 1-серия — «Ўт билан ўйнашиш». 21.30 «ВРЕМЯ». 22.05 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Реванш матчи. 22.15 «Олам кинокамера кўзгусида». 23.15 «Дунё воқеалари». 23.25 Енгил атлетика бўйича Европа чемпионати. ГФРдан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

7.30 Ритмик гимнастика. 7.50 «Салом, кичкинтойлар!» 8.00 Ишчи ёшлар учун. «Беш йиллик одимлари». 8.10 «Мокшадаги қўриқхона». Телефильм. 8.20 «Тонгги тароналар». 8.30 «АХБОРОТ». 8.50 «Чукоткалик ҳунармандлар», «Куйбишев шаҳри». Ҳужжатли фильмлар.

* * *

18.00 Янгиликлар. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 18.45 «ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН!» ЎзССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг раиси П. Қ. Қаюмов сўзи. 19.00 «Ноз-неъмат бунёдкори». 19.30 «АХБОРОТ». 19.45 «Давлат транспорти: кимга хизмат қилади?» Ўзбекистон телевидениесининг «Ташкентская правда» газета редакцияси ҳамда Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автоинспекцияси билан қўшма рейди. 20.30 «АХБОРОТ». 20.50 ЎзССР Давлат телерадиоси эстрада-симфоник оркестрининг концерти. 21.30 Москва. «ВРЕМЯ». 22.05 «Бўстон» телевизион журнали. 23.15 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.15 МТ П. 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Лосос сири». Телефильм. 18.25 «Балет ҳақида». Музикали кўрсатув. 19.00 «Оқланган исм». Бадиий фильм («Молдовофильм»). 20.15 «Спорт кинопанорамаси». 21.00 КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА! «Беш йиллик: ишлар ва одамлар» 21.30 МТ. II.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/VIII да **Ўғрини қароқчи урди,** 29/VIII да **Аризасига кўра.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—**Тошкентда биринчи марта «КОХ» иллюзион шоуси гастроллари** (19.30).

«Тошкент ҳақиқати» газетаси редакцияси коллективи ва Ўзбекистон Журналистлар союзи Тошкент ташкилотининг правлениеси редакциянинг собиқ ходими, СССР Журналистлар союзи аъзоси **Абдураҳим Абдурашидович АБДУЛЛАЕВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/«Ташкентская правда»/
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; тунги навбатчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

Р. 08957. Б. 1707. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12